



# MILLIY TIKLANISH

46-47 (316)

2014 йил 26 ноябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz


2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Бизнинг асосий гоёмиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.**

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ахборот маконини бойитиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, таълим, маданият ва маърифат соҳасида ёшларга мўлжалланган ранг-баранг мавзулардаги маълумот ва ахборотларни тақдим этадиган ягона Ziyonet тармоғи ташкил этилган. Ахборот-кутубхона фаолияти йўлга қўйилиб, унда илмий-маърифий ахборот ресурслари тўпланган



Мамлакатимиз саноатининг изчил ривожланиши, илгор технологияларнинг ҳаётимизга жадал кириб келиши натижасида аҳолининг электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжи тобора ортиб бораёпти. Бу эса, ўз навбатида, электр қуввати ишлаб чиқарувчи ҳамда уни аҳолига етказиб берувчи корхоналар зиммасига катта масъулият юклайди



**6** ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

**16** ЖАРАЁН

**Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин**

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасидан

◦ **Семинар-тренинг**



## Сайловолди ташвиқоти

сайлов кампаниясининг энг қизғин палласи

Жорий йилнинг 21 декабрида Парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловнинг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланди. Бундай ташвиқотда аҳолига партиянинг дастури ва Платформаси мазмун-моҳияти янада кенроқ тушунтирилади. Ҳар бир сиёсий партия ўз номзодларининг кўпроқ овоз олиши учун бу жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясининг энг қизғин палласи ҳисобланади. Яқинда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилоят ҳудудий бўлими ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган “Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, турлари, шакллари ва усуллари” мавзусидаги семинар-тренингда ана шу жиҳатга эътибор қаратилди.

Сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясининг узвий қисмидир. Чунки сайлов арафасидаги ташвиқотлар сиёсий партиялар ўртасида қизғин рақобатни таъминлайди. Шунинг учун мазкур сиёсий жараённинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш сайловни демократик принциплар ва тенглик тамойиллари асосида ўтишини таъминлайди. Юртимизда ҳам мазкур йўналишдаги қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

**2-бет**

## Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Сарвар ОТАМУРАТОВ билан суҳбат

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловчилар ҳузурига қандай мақсад ва гоёлар билан чиқмоқда? Партиянинг сайловлардан кейин амалга оширадиган ҳаракат дастури қандай масалаларни ўз ичига қамраб олган?

— Сайловларга партиямиз пухта тайёргарлик кўрди. Утган даврда партия ташкилотлари ҳар томонлама мустаҳкамланди. Партия гоёси, дастурий мақсад-вазифаларини қўллаб-қувватловчи электротар шаклланди. Айниқса, яқинда бўлиб ўтган партиянинг III съездида тасдиқланган янги сайловолди Платформамиз ўз ичига бир қатор муҳим вазифаларни қамраб олганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда бутун дунё тан олган салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ватанимиз халқро майдонда юксак обрў-эътиборга эришди. Юртимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бормоқда ҳамда одамлар онгида демократик кадрлар янада кўпроқ қарор топмоқда. Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб, мамлакатимизда содир бўлаётган демократик янгиланишлар жараёнида уларнинг таъсири ортиб бормоқда.

Ушбу вазифалар ҳақида сўз юритишдан аввал, юртимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ислохотлар замирида Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва Ўзбекистон манфаатлари мужассамдир.

**2-бет**

◦ **Фракция ҳаёти**

## Давлат бюджети

унинг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йилнинг тўққиз ойидаги ижроси кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев ахборот берди.

нинг ўсиши 6,8 фоизни, чакана товар айланмасининг ўсиш суръатлари 14,2 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобот даврида профицит билан бажарилди.

Йил бошидан буён барча соҳаларда амалга оширилган тизимли чоратadbirlar натижасида 777,8 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 465 мингта иш ўрни ташкил этилди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида амалга оширилган тизимли ишлар иқтисодийнинг изчил равишда ўсишига ва макроиктисодий барқарорликка хизмат қилмоқда. Бу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,4 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари-

Ҳисобот даврида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, уни молиялаштиришга барча манбалардан 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-



қувватлаш масалалари доимий эътиборда бўлди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида таълим соҳасига Давлат бюджетининг 33,7 фоиз маблағи йўналтирилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,5 фоизга кўп дегандир. Маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларига йўналтирилган харажатлар эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 фоизга ошганлиги мазкур соҳалар ривожидида муҳим аҳамият касб этди.

**6-бет**

◦ **Сайлов ва ёшлар**

## Биз илк бор парламентга сайланиш ҳуқуқига эга бўлдик

бу биздан чуқур билим, кенг дунёқараш, ирода ва масъулият талаб этади

**3-бет**



Нодира ҚўШАҚОВА, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” Республика кўрик-танлови голиби, спортнинг бадий гимнастика тури бўйича Ўзбекистон чемпиони:

— Ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва иқтисодий билими, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини оширишда матбуот самарали воситадир. Мен “Milliy tiklanish”ни танладим. Сиз-чи?

www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!

## Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши раиси  
Сарвар ОТАМУРАТОВ билан суҳбат

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

Бунда миллий урф-одатлар ва анъаналарни, халқимизнинг бой тарихий меросини асраш ва уни замон руҳи билан бойитиш ҳамда миллий ғояни кенг тарғиб қилиб, уни аҳоли онгига сингдириш асосий вазифамиздир.

Бизнинг мақсадимиз — миллий ўзлигини англаш ва миллий юксалиш орқали жонажон Ўзбекистонимизни дунёнинг тараққий топган давлатлари қаторига кўтаришдир. Бу улғу мақсадга эришишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси кимларга таянади? Биз, аввало, ижодкор зиёлилар, халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати намояндалари, маданият, санъат ва ахборот соҳаси ходимлари, Ватан туйғуси билан яшаётган ёшлар, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларни, мамлакатимизнинг тарихий ва маданий бойлигини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва янада кўпайтириш ғояларини қўллаб-қувватловчи фуқароларга таянади.

Партияимизнинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсадларнинг эълон қилар эканмиз, унда акс этган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганлигини таъкидлаб, бу масала ва муаммоларнинг ечимини топишга жўшқин руҳ бағишлаш, Ватанимиз тараққиёти йўлида янги тақдирларни илгари суриш ҳамда партиянинг ваколати ва имкониятлари даражасида барча ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни билдирамиз.

Сайловолди Платформамиз келгусида партия ташкилотлари ва партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар корпуси учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар дастуриламали ҳисобланади. Бу вазифаларнинг партия ғояси, мафкураси, ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларига жавоб бериши, партиянинг куч ва имкониятларига мос келиши, энг муҳими, Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига уйғун бўлишига ҳаракат қилиш. Шу боис сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот ва халқро йўналишларда ўз зиммамизга олаётган вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилди.

— Ҳар бир партия сайловга кириб борар экан, ўз олдида, аввало, ижтимоий-сиёсий соҳада муҳим вазифалар кўяди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бу борада қандай вазифаларни илгари сурмоқда?

— Мазкур соҳадаги дастурий мақсадларни бажариш учун сиёсий муносабатлар тизимида миллий ғоямиз тамойилини устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини, миллати, дини ва этиқоди, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш вазифасини ҳаётга татбиқ этиш истикболдаги энг муҳим саъй-ҳаракатларимиз асосини ташкил этади.

Партияимиз миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, миллий тикланиш ва ривожланишга кўмаклашадиган анъанавий демократик институтларни қўллаб-қувватлайди. Бу ўринда гап, биринчи навбатда, маҳалла ҳақида бормоқда. Тараққиёт, ривожланиш қаерда бўлади? Албатта, аҳиллик, ҳамжихатлик, меҳр-мурувват, меҳр-оқибат бор жойда. Айнан маҳалла ана шу қадриятларимизни асрлар давомида улуғлаб, эъзозлаб келмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси маҳаллани юксак маънавий ташкил, деб билади. Шу сабабли биз маҳалланинг маънавий, ташкилий ва иқтисодий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган қонунлар ташаббускори бўламиз.

— Халқнинг миллий тикланиши, маънавий юксалиши мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Шундай экан, “Миллий тикланиш” демократик партияси ушбу йўналишда қандай мақсад-вазифаларни белгилаб олди?

— Бу борада партияимиз учун энг муҳим масалалар — маънавий-маърифий соҳада миллий ўзлигини англаш ва миллий тикланиш жараёндан миллий юксалиш сари бораётган жамиятимиз олдида турган бугунги долзарб вазифалар акс эттирилди. Бунда “Юксак маънавий — енгилмас куч” ғоясини амалга ошириш партияимиз учун асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, ушбу ғоя ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жа-

миятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи асосий куч бўлиб хизмат қилмоқда. Биз глобаллашув шароитида яшамоқдамиз, шунинг учун ҳам партияимиз ёшларимизни “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишда ташаббускор бўлади. Шу маънода айтганда, “Миллий тикланиш” демократик партияси — ҳар бир ота-онанинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Шунинг учун ота-оналар овоз беришда ана шунга алоҳида эътибор беришларини сўраймиз. Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз!

Бундан ташқари, партия тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшлар қалбида тарихий мерос ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотишга кўмаклашади.

— Иқтисодий ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Партия миллий иқтисодиёт ривожига ҳисса қўлиши учун қандай вазифаларни ўз олдида мақсад қилиб қўймоқда?

— Партияимиз иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижий сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш ҳамда энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга қудратли давлат эканлиги барчага маълум. Кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остидаги маҳсулотларнинг жаҳон бозорларига кириб бориши йўлидаги саъй-ҳаракатларни партияимиз қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик каби миллий ишлаб чиқаришни анъанавий турларини ривожлантиришни ўз вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда партияимиз туризмни ривожлантириш тарафдори эканлигини айтиш жоиз. Юртимиздаги бебаҳо меъморий обидалар - миллий-маънавий қадриятларимиздир. Бу маънавий бойликлар бугун дунёни ўзига мафтун этади. Биз ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаш ва бутун дунёга тарғиб қилиш бўйича кенг фаолият олиб борамиз. Сайёҳликнинг янги йўналишларини кўпайтириш, ички ва экологик туризмнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни вазифа қилиб олдик. Айни пайтда туризм ривожланиши жойларда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, қўшмача иш ўринларини яратиш, инфратузилмани яхшилашда муҳим ўрин тутди.

Икки йиллик миллий ташувчилар - “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ва “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг ички ва ташқи бозордаги маквеини мустаҳкамлашга кўмаклашиш орқали партияимиз инсоният цивилизациясининг қадимги Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданият соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипақ йўлини қайта тиклаш ғоясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

— Партия сайловолди Платформасида суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ қилишда ҳам бир қатор вазифалар белгилаб олинган. Ушбу йўналишда қандай омилларга таянилмоқда?

— Суд-ҳуқуқ соҳасида партия инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, қонунларимизнинг миллий қадриятлар руҳи билан сурғорилишига эришиш ва Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифалардан, деб билади. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган ва ҳозир қўллаб демократик давлатлар томонидан эътироф этилаётган ва ўрганилаётган, одил судловни самарали амалга оширишнинг амалий шакллари билан бир ҳисобланган ярашув институти мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш ва жинсий қўллаб демократик либераллаштириш бўйича жиддий омиллардан бири бўлди. Партияимиз ушбу ижобий тажриба қўламини янада кенгайтириш ғоясини тўла қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, партияимиз маъмурий-

ҳуқуқбузарлик соҳасида ҳам ярашув институти қўлланишини киритиш, жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлгандагина жиноят ишларини қўзғатиш мумкин бўлган жиноят турларини янада кенгайтириш, низоларни судга ҳал этиш тартибини такомиллаштириш ғояларини илгари сурмоқда.

— Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ижтимоий соҳа муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бу борада ўз олдида қандай вазифаларни қўймоқда?

— Биз янги Сайловолди платформамизда ижтимоий соҳада ҳам бир қатор янги тақдир ва ташаббусларни илгари сурмоқдамиз. Бу борада аҳоли турмуш сифати ва кулайликларини ошириш — партияимиз ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятнинг бош мақсадидир. Шундан келиб чиқиб, партия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш вазифаси белгиланмоқда. Аҳоли бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Тўлов-контракт асосида олий таълимга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашишни ўз зиммамизга олмақдамиз.

— Партия замон талабига муносиб равишда мамлакатимиз ҳаёти ва равнақи учун муҳим бўлган яна қандай вазифаларни ўз зиммасига олмақда?

— Партияимизнинг янги сайловолди Платформасида аввалгисидан фарқли равишда бир қатор янги мақсад-вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, партия ахборот соҳасига оид бир қатор масалалар бўйича ўз тақдирларини илгари сурмоқда. ЎзМТДП келгусидаги фаолиятида миллий ахборот маконининг босқичма-босқич ривожлантирилиши ва шу орқали жойларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш, радиоэшиттиришлар тизимини модернизация қилишга кўмаклашади. Бундан ташқари, ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофазат қилиш, миллий журналистикани ривожлантиришда давлат қафолатларини таъминлаш, ҳар томонлама истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш партияимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, бугун сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаётган бир пайтда, аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларни ўз зиммамизга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, партияимизнинг сайловолди Платформасида белгиланган янги ғоя ва мақсадлар бугунги замон талабига муносиб, давр тақозо этаётган муҳим масалалар эканлиги билан аҳамиятлидир.

Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она-Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Айиз юртдошлар, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформаси халқимизнинг қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, орзу-интилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Партияимиздан сайланадиган депутатлар юқорида таъкидланган эзгу ниятларимизни ва ғояларимизни, мақсад-вазифаларимизни рўёбга чиқаришда бутун куч ҳамда имкониятларини ишга солиди!

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари биз билан бирга бўлинг! 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этиб, “Миллий тикланиш” демократик партияси номзодларига овоз беринг!

Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.  
“Халқ сўзи” 21 ноябрь, 2014 йил

### Семинар-тренинг



## Сайловолди ташвиқоти

сайлов кампаниясининг энг қизгин палласи

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

Шунга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сайловолди ташвиқоти ўтказишнинг турлари, шакл ва усуллари мустаҳкамлаб қўйилди. “Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, турлари, шакллари ва усуллари” мавзусидаги семинар-тренингда сайлов қонунчилигига киритилган ана шу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Унинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

— Мазкур тадбирнинг аҳамиятли томони шундаки, - дейди ЎзМТДПнинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Рашидов. — Унда иштирокчилар сайловолди ташвиқоти тушунчасининг мазмун-моҳияти, уни олиб боришнинг турлари ва усуллари билан яқиндан танишдилар. Семинар-тренингда интерфаол усуллари

Шоира РАШИДОВА,  
ЎзМТДП Тошкент вилояти Янгийўл туман Кенгаши раиси:

— Жорий йилги сайлов аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Чунки бугунги сайловнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалган. Бугунги сайловчи ўзи овоз бераётган номзод ва сиёсий партиянинг имкониятидан яхши хабардор. Шу боис мазкур босқич сиёсий партиялар ўртасида қизгин рақобат муҳитини шакллантиради. Ана шу омиллар сайловолди ташвиқоти ишларини жадаллик билан олиб боришни тақозо этади. Чунки мазкур сиёсий жараён сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичи саналади. Сиёсий партиялар ана шу “имтиҳон”дан муваффақиятли ўтишга, сайловдаги галабасига пухта замин тайёрлаган бўладилар.

Ҳасан САЛОМОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

### Ҳуқуқ ва бурч

— Бу йилги сайловда биринчи марта иштирок этаман. Шу боис, сайлов бюллетени ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Нодирбек Мустафоев,  
Самарқанд вилояти Нарпай тумани

— Сайлов бюллетени — бу Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли тартибда ва шаклда тасдиқланганда, ўзида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (масъулоти тури) ва депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ҳақидаги маълумотларни акс эттирган, фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириши таъминловчи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг сайлов бюллетени деб номланган 35-моддасига мувофиқ, сайлов бюллетенида уни тўлдириб тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши лозим ҳамда сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Қонуннинг 13-моддасига кўра, округ сайлов комиссияси ўз сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрлашни ва участка сайлов комиссияларини бюллетенлар билан таъминлашни ташкил этади.

Қонуннинг 36-моддасига биноан, участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камда уч кун қолганда оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси рўйхатидаги сайловчилар сонидан ярим фойздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетеннинг ўнг томон юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди. Имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларини санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

— Сайловчилар рўйхати ким томонидан тузилади ва уни тузишда нималарга эътибор қаратилади?

Диловар Жўраева,  
Андижон вилояти Олтинқул тумани

— Сайловчилар рўйхати — сайлов кампанияси даврида участка сайлов комиссияси томони-

дан тузиладиган ва сайлов куни ушбу участкада овоз бериш учун сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларнинг шахсий маълумотлари киритилган рўйхат.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 32-моддасига мувофиқ, сайловчилар рўйхатига сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари киритилади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар сайловчилар рўйхатига ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамқоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчиларнинг маълумотлари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қўлай бўлган тартибда кўрсатилади. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади. Бу ҳар бир сайловчига ўз фамилиясини тез ва осон топиб олишига ва овоз бериш куни шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида қўлай тарзда бюллетени олишига имкон беради.

Қонуннинг фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш деб номланган 33-моддасига кўра, сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганда, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамқоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганда ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиб жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Саволга ЎзМТДП фракцияси аъзоси  
Акмал РАҲМОНОВ жавоб бери.



Мустақиллик миллий ўзгирлигини, ор-номус ва ғурури- мизни, инсоний қадр-қимматини қайта уйғотиш, она тилимизни, динимизни, кадрият ва аъёнларимизни қай- тариб бериш. Қадимий тарихимиз, миллий давлатчилиги- миз тикланди, янги тарихий шарафлар унинг оёқга туриб, кучли-қудратли давлатга айланган, ривожланиши учун зарур бўлган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий асослар яратилди ва мустақамлаб борилмоқда. Мамлакат- да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик тизими шакллантирилди ва муваффақиятли ривожлан- моқда. Халқ ҳокимиятчилигининг устувор тамойиллари иш- лаб чиқилди, халқ давлат ҳокимиятини ягона манбаи ва ўз истиқболининг ҳақиқий ижодкорига айланди.

Ўзбекистоннинг саноати ривожланган замонавий дав- латга айланиши ва унинг жаҳондаги иқтисодий ва индустри- ал жihatдан юксак ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун зарур бўлган барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Миллий давлатчилик ва бозор иқтисодиёти асослари- ни мустақамлаш билан бир вақтнинг ўзида "Кучли дав- латдан - кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳам

қарор топиши масалаларига ҳамшира катта эътибор қара- тади. "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шухрат қозонди?" деган масалаларга жа- воб излаш партиянинг ҳақиқат дикқат марказида бўлади.

Партия миллий-маънавий тикланиш жараёнида фаол иштирок этиб, қуйидаги мақсадларни қўзғайди: — "Юксак маънавият — энгилмас куч" деган эзгу гоёни рўёбга чиқаришда миллий аъёна ва кадриятларни янада мустақамлаб бориш, XXI асрда юксак маънавий-интел- лектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модерни- зация қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнини кучайтириш;

— тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни яна- да кўпайтиришга қўмақлашиш, ўзбек халқининг бой тари- хи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнларига чукр меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш;

— Ўзбекистон тарихининг кенг миқёсда изчил ўрганили-

ди. Шунга боғлиқ равишда партия ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

— мамлакатда оилаларни мустақамлаш ва оилавий кадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни оши- риш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучай- тириш, соғлом ва мустақам оилалар сонини янада кўпай- тириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга қўмақлашиш;

— жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада кулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш;

— оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган ноҳус ҳолатлар (тўй маросимларини ўта дабдала қилиб ўткази- ш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирлар)га барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш.

Партия кенг биллиги, эркин фикрлайдиган, ўз қараш- ларида миллий ғоямизга таянган, ўз хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий маънавий қадриятларга, ватан- парварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб етиштиришни ўзининг асосий бурчи деб билади.

— халқимизнинг, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, энгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш;

— икки йирлик миллий ташувчилар — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустақамлаш.

Шу билан бирга, ҳозирги босқичда партия мамлакатни- мизнинг халқро ижобий имиджини шакллантиришда туризми самарали восита деб билади ва уни ривожланти- ришга алоҳида эътибор қаратади. Туризм Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамия- ти томонидан умумбашариёт тарихий меросининг ажрал- мас бир қисми сифатида тан олинмиши йўлида самарали хизмат қилади, шунингдек, фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризмнинг ўрни ва аҳамияти эътиборга лойиқ эканини тарғиб этади.

Ўзбекистон бой тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан



# Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Сайловий Платформаси (Ҳаракат дастури)

муваффақиятли жорий этилмоқда. Мамлакатимизда сиё- сий партиялар ва фуқаролик жамияти бошқа институтла- рининг жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун кулай ҳуқуқий шароитлар барпо этилган. Сиёсий партиялар аъзоларининг ўз иродалари- ни намоён этишлари ва уларнинг давлат бошқарувида- ги иштироки механизмиларини тақомиллаштириш усти- да изчил иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун сиёсий тизимининг самарадорлиги ва рақобатдош иқтисодиётга эга бўлишдан ташқари жамият бой руҳий- маънавий асосга, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга таянган ҳолда, фуқаролар эса "Биз ким эдик ва бугун қандай даражага эришдик, қандай беаҳдо қадриятларга ворисмиз?", деган саволларнинг жавобла- рини чукр англаб етишлари зарур, деб ҳисоблайди.

Шу билан боғлиқ равишда, партия миллий тикланиш масаласига алоҳида диққат-эътиборни қаратади. Миллий тикланиш деганда партия миллий ўзлик туйғусининг уй- гониши ва тобора мустақамлашиб боришини тушунади. Миллий ўзликни англаш мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутаяди, миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат хис- туйғусини оширишда, ҳар томонлама комил инсон шахси- ни тарбиялашда беаҳдо ички омилдир.

Миллий ўзликни англаш тарихин ўрганишдан бошлана- ди. Тарихин билмасдан туриб инсон ўзгирлиги топшири амери маҳолдир. Ўзининг миллий давлатчилиги, миллий маданият ва маънавият тараққиётининг тарихий тажрибасини ўзлаш- тириш халқ миллий тикланишга қодир эмас. Миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш орқали биз ижтимоий- сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал эти оламиз.

Партиянинг бош мақсади миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъ- минлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоя- лаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқ- кининг урф-одат ва аъёнларини асраб-авайлаш ва кўпайтиришдан иборат.

Партия буюк аллома ва мутафаккирлар Ватани, улкан ва ноёб бойликлар, иқтисодий ва ақлий салоҳиятлар эгаси бўлган Ўзбекистоннинг халқро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида фаолият олиб бориши ўзининг энг муҳим вазифаси, деб билади.

Юқорида баён этилган фикр ва вазифалардан келиб чиқиб, партия миллий мустақиллик ғояларига содиқ, жа- ҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлиги ҳисобланган Ўзбекистон халқининг маданий, аъёнлавий ва миллий-маънавий қадриятларини чукр эъзозлайди- ган ватанпарвар инсонларни ўз сафида бирлаштириши ва ўз фаолиятида уларнинг манфаатини ифода қилади.

Булар, энг аввало, ижодкор зиёлилар, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати намояндалари, мада- ният, санъат ва ахборот соҳаси ходимлари, ватан туйғуси билан яшаётган ёшлар, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларни, мамлакатимизнинг тарихий ва маданий бойлигини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва янада кўпай- тириш ғояларини қўлаб-қувватловчи фуқаролардир.

Партиянинг асосий сиёсий шiori: "Мақсадимиз — миллий тикланиш орқали ривожланган замонавий демократик жамият сари!".

## I. ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР

Партия ижтимоий-сиёсий соҳадаги дастурий мақсад- ларини баҳариш учун қуйидаги вазифаларни амалга оши- риши зарур:

- сиёсий муносабатлар тизимини миллий ғоямиз та- мойилининг устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустақамлаш;
- миллати, дини ва этники, ижтимоий келиб чиқиши- дан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустақамлаш. Ўзбекистон фуқароларининг миллатлараро жипслик, ватанпарварлик, мамлакат тақдирини унинг масъулият ва дахлдорлик туйғуси халқ манфаатларини самарали муҳофаза этиш, маънавий қадриятларини, урф- одат ва аъёнларни, бой тарихий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, миллий тикланиш ғоясини ривожлантириш, Ватан тараққиётини таъминлайдиган халқ ҳокимиятини мустақамлаш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамия- тини барпо этишнинг натижаси бўлиши керак;
- махалла тизимини янада тақомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустақамлаш, шунингдек, унинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масала- ларни ҳал этишда, миллий ва маънавий қадриятлар, урф- одат ва аъёнларни тиклаш ва ривожлантиришда фуқаро- ларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган фуқаролик жамияти институтини сифатидаги фаолиятини кучайтириш.

## II. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР

Партия маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришни ўз олдига турган муҳим вазифа деб билади.

Партия миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустақам

шини таъминлаш, бу борада тарихийлик ва холислик та- мойилларига қатъий амал қилиш, тарихий ўтмишга ва ўзбек халқининг ҳозирги кундаги ҳаётига баҳо беришда бирёқлама ёндашувларга, ноҳолисликка йўл қўймастик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этиш- ларга нисбатан қарши кураш олиб бориш, кенг халқро жамоатчилик диққат-эътиборига Ўзбекистоннинг тарихий ўтмишига доир ҳаққоний ҳақиқатларни етказиш. Зеро, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқнинг истиқболи йўқдир;

— мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарла- рининг тарихий қўёғисини сақлаб қолишда самарали чора- тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бугун инсоният учун қимматли осори атақла- рни сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш;

— юксак эстетик қимматга эга бўлиб келган миллий ҳунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тикла- ш ва ривожлантириш, қадимий бадиий-ҳунармандчи- лик мактабларининг аъёнларини сақлаб қолиш;

— халқимизга ёт ва ёш авлод онг учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳи- да тарбиялаш, шу мақсадга қаратилган телевизион курсат- ув ва радиодиджиталларни уюштириш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш, таълим муассаса- ларидаги ўқувчиларнинг мамлакатимиздаги мавжуд ма- даний-тарихий ёдгорлик масканларига оммавий ташри- фларини уюштириш, театрларда очик эшиклар қунара- рини ташкил этиш, ёшларга Ўзбекистон тарихи ва ма- данияти тўғрисида қўрағамли маълумотлар берадиган қўрағамларга уларнинг ташрифини таъминлаш;

— халқимизнинг маънавияти ривожини таъминлашда барқарорликни мустақамлашга хизмат қиладиган му- руват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳти- ром, бағрикенглик, яхшилик ва соҳаватпешалик каби миллий хусусиятларимиз тарғиботига асосланган лойи- ҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— давлат тилини бойитиш ва янада тақомиллаштириш- га, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалти- ришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини иш- лаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақ- садли ишларни олиб бориш;

— камол топиб келётган авлоднинг, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайти- риш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулла- наётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқти- содий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, бу йўналишда ижо- дий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш;

— халқимиз, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига қўмақлашадиган маънавий-маъ- рифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти- ни ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг бой ахборот-кутубхоначилик фондини кўпайтириб бориш;

— Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқла- рини халқро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, ҳозир- ги Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамад- дуни тараққиётга салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, ма- даният, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарларни яратиш ва уларни дунё жамоатчилиги диққат-эътиборига етказиш;

— ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила олади- ган, ёш авлоднинг миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол замонадошларимизнинг бадиий образлари таъсирчанли- гини кучайтириш;

— жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг ижтимоий- сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ва маънавий соҳа- ларда эришаётган ютуқлари билан кенг миқёсда таништи- риш бўйича тегишли дастурларни ишлаб чиқиш, шу жум- ладан, бу борада миллий ва хориждаги нуфузли оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш;

— болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларнинг миллий ва жаҳон муслиқа маданиятининг энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун кулай шарт-шароитлар яратиш;

— нафақат миллий, балки жаҳон муслиқа санъатининг кўпдан-кўп йўналишларини ҳам чукр ўрганиш ва ютуқла- рини қўлаб-қувватлаш, санъаткор, айниқса, ёш хонанда ва созандаларимизнинг халқро нуфузли танловлар ва фести- валларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишига эришиш;

— одамларнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг обод ва фаровонлигини, улар- нинг маданиятини ошириш, жумладан, ёшларга ҳар то- монлама ғамхўрлик қўрсаатиш.

Ҳар бир миллиятнинг ўзига хос маънавиятини шаклланти- риш ва юксалтиришда, оиланинг ўрни ва аҳамияти, ҳеч шубҳасиз, беихтият салмоқлидир. Биз шунга ишонами- зики, агар оила соғлом бўлса, жамият ҳам мустақамдир, жамият мустақам экан, мамлакат барқарордир.

Партия соҳаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик, бола- ларга ғамхўрлик каби оилавий аъёнларни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи, деб ҳисоблай-

## III. СУД-ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ДОИР ВАЗИФАЛАР

Партия жамиятнинг демократия ва демократик исло- хотлар йўлидан босқичма-босқич ривожланиб бориши кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий мада- ниёт даражасига боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Шунга қўра, партия фуқароларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қўмақлашишни суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзи- нинг муҳим вазифаси, деб билади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси демократик жамиятнинг негизи ва ҳуқуқий тизим етуклигининг белгисидир. Азал-азалдан мамлакатимизда ҳуқуқий мада- ният умумжамоа маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида қабул қилинган. Шу боисдан партия Ўзбекистон халқига қадимдан хос бўлган бу фазилатни қонунга, давлат иродасига ҳурмат билан қараш менталитетини мустақам- лашга интилиб келади. Ишончимиз комилки, ҳар бир фуқаро наинки қонунларни билиши, балки уларни ҳурмат қилиши, қонунларда ифодаланган давлат қўрсатмаларини онгли равишда баҳариши зарур. Қонунга ҳурмат ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият- тининг асосий талабларидан биридир.

Юқорида айтилганларга амал қилган ҳолда, шунинг- дек, замонавий сиёсий-ҳуқуқий амалиётни кўзда тутиб, партия мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жа- миятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қабул қилинишини муҳим вазифа, деб билади.

Шу билан бирга, партия Ўзбекистон халқининг миллий аъёна ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган муруват, кеңиримиллик, инсонпарварлик ва бағри- кенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифаларидан, деб билади. Шу борада партия қуйидаги вазифаларнинг ижросини долзарб, деб ҳисоблайди:

- жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикримина- лизациялаш сиёсатини давом эттириш;
- маъмурий судлов соҳасига яраштирув институтини жорий этиш;

— халқро амалиётда кенг қўлланилаётган жиноят ҳуқуқининг замонавий институтларини миллий қонунчи- ликка имплементация қилиш, хусусан, алоҳида жиноятлар бўйича фақатгина жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлган- дагина жиноят ишнинг қўзғатиш тартибини жорий этиш;

— оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маийий турмуш манбаида туғилмаган бошқа шужоаларни судга ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай ни- зоний халқимизга хос бўлган тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, шунингдек, фуқарола- римизнинг серташвиш суд махлисларига хоҳиш-истагани- нинг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш.

## IV. ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР

Партиянинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсади - куч- ли миллий иқтисодиётни шакллантиришдир. Бундай иқти- содиёт халқро бозорда сифатли маҳсулот ва хизматлари билан беамал рақобатга кириши олади. Партия шу тари- қага Ўзбекистоннинг жаҳондаги иқтисодий ва индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этади.

Партия мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчи- ларни самарали қўлаб-қувватлашга қаратилган сиёсат- га қўмақдош бўлиб, Ўзбекистонда миллий манфаатлардан келиб чиқиб олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий стратегияни қўлаб-қувватлайди.

Партия қуйидагиларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлай- ди ва бу ишларни амалга оширишда фаол иштирок этади: — "Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг" тамгаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий махсу- лотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳат- дан қўлаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдор- ларини қамайтириш, божхона имтиёзи ва преференциялар, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат то- монидан қўлаб-қувватлаш чораларини жорий этиш;

— ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажат- ларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, республикамиз минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шу- гулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий са- ноат самарадорлигини янада ошириш;

— мамлакатимизни пойтахт ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим но- мутаносибликларга барҳам бериш, турли минтақалари- мизда яшаётган одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзини тенглаштиришга қаратилган солиқ-бюджет сиё- сатини амалга ошириш;

— миллий бозорни сифати паст, халқро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш ва кулай сармоя муҳитини шаклланти- ришининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш;

салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустри- ясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Маълумки, бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларнинг интернет тармоқидан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Тақдирлар шунини қўрсат-моқдаки, дунёда рўй бераётган гло-баллашув жараёни ва ахборотлаш-тириш жамият шароитида интернет бо-лар ва ўсимларнинг билимини юксалтиришга таъсир қўрсатадиган муҳим омилга айланмоқда. Бирок, баъзи болалар ва ўсимлар ин-тернет орқали бўлаётган таҳдид ва хавф-хатарларнинг таъсирини тушиб қо-лаётгани ҳам сир эмас. Мазкур қонун лойиҳаси ана шундай ҳолат-ларнинг олдини олиш, ота-оналарга фарзандларини тарбиялаш, уларни зарарли ахборотдан химоялаш, бо-ларнинг таҳовузкор ва бошқа қўри-нишдаги хатти-ҳаракатларини бар-тараф қилишга ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ахборот маконини бойитиш борасида амалий чоралар қўрилмоқ-да. Хусусан, таълим, маданият ва маърифат соҳасида ёшларга мўлжал-ланган ранг-баранг мавзулардаги маълумот ва ахборотларни тақдир

этадиган ягона ZivoNET тармоғи таш-кил этилган. Ахборот-кутубхона фа-олияти йўлга қўйилиб, унда илмий-маърифий ахборот ресурслари тў-лланган.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан сўз олган фракция аъзо-лари унинг долзарблигига эъти-бор қаратишди. ЎзМТДП дасту-рий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳаза-ларини билдиришди. — Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб-чиқил жараёнида болаларни улар-нинг жисмоний ва маънавий ривож-ланишига салбий таъсир қўрсатади-ган ахборотдан химоя қилиш бо-расидаги халқро таъриба ўрганилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шўҳрат Деҳқонов. — Хусусан, Бола ҳуқуқлари декларацияси, БМТнинг аёллар ва болаларни фақуллода ҳал-латлар ва қўролли тўқнашувлар пайтларида химоя қилиш тўғрисида-ги Декларацияси, Болалар ҳаётини, муҳофазасини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги Умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва бошқа халқро ҳужжатлардаги те-

гишли қоидалар ўрганилиб, қонун лойиҳасини тайёрлашда алоҳида инобатга олинган. Тақдиф этилаёт-ган қонун лойиҳасининг қабул қили-ниши ва амалиётга жорий этилиши ЎзМТДПнинг сайловолди Платфор-масида белгиланган халқимизга ёт ва ёш авлоднинг учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъ-сирдан ёшларни муҳофаза қилиш учун уларни миллий тикланиш гоёми, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, шу мақ-садга қаратилган телевизион курса-тўв ва радиоташтиришларни уюшти-риш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига жалб этишга қўмакла-шиш сингари вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлади.

Муҳокамадан сўнг фракция аъзолари, "Болаларни уларнинг жис-моний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир қўрсатадиган ахборотдан химоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини концептуал жи-ҳатдан таъмуқуладилар. Қўрилган ма-саладар юзасидан фракциянинг те-лагили қарори қабул қилинди. **Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**





**Замира Рамазонова**

Ўзининг меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги, ўз фаолиятига жиддий ёндошуви, шунингдек, жамоатчилик ишларида фаоллиги билан назарга тушган Замира Рамазонова 2001 йилдан буён Андижон шаҳар 16-умумтаълим мактаби директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. У 1965 йили Андижон вилояти, Хўжабод туманида туғилган.



**Акmalжон Адилевич Жумабаев**

1983 йил Андижон вилояти Кўргонтепа туманида туғилган. 2005 йил Андижон давлат университети бакалавр босқичини тамомлаган. Иختисоси — тарихчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Акmalжон Жумабаев 2008 йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилоят Кенгаши му-



**Холидаҳон Телмановна Мирзараҳимова**

1960 йил Жалақудук туманида туғилган. 1983 йили Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. Иختисослиги — врач акушер-гинеколог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Холидаҳон Мирзараҳимова 1983 йили Андижон шаҳридаги 3-турғуқ уйда врач акушер-гинеколог сифатида иш бошлаган. У 1984-1986 йилларда Андижон ту-



**Адхам Мухаматимович Узақджанов**

Энг шарафли касб ўқитувчилик бўлса, энг хайрли амал китоб тайёрлаш ҳисобланади. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ишларга ўз ҳиссасини қўшишга интилиб келаётган Адхам Мухаматимович Узақджановнинг ҳам 40 дан зиёд илмий-оммабоп ишлари нашр этилган. Шу жумладан, унинг ҳаммуаллифлигида 2 та ўқув-услубий қўлланма тайёрланган.

## Фан фидойиси

Замира Рамазонова 1987 йили 16-умумтаълим мактабида рус тили фани ўқитувчиси сифатида иш бошлаб, ўз фаолияти давомида фан фидойиси эканлигини намоён этди. Замонавий раҳбар сифатида эса илмий-педагогик жамоани бирлаштира олди. У ўзининг янгидан-янги гоёлари, юксак педагогик салоҳияти ва маҳорати билан мактабда таълим самарадорлигини юқори даражага кўтаришда, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш даражаси ва сифатини юксалтиришда тинмай меҳнат қилмоқда.

ЎзМТДП аъзоси бўлган Замира Рамазонова таълим муассасасида йўлга қўйган самарали тизим билан партия мақсад-гоёларига ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, у "Устоз-шогирд", "Ўрган-ўргат" услубини жорий қилди, бу борада ўзи ҳам бир неча шогирдлар еттиштирди. Хозирда давр талабидан келиб чиққан ҳолда "Маҳалла, оила ва мактаб" алоқала-

рини мустаҳкам йўлга қўйишга эришди. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Замира Рамазонова томонидан таълим муассасасида ўз-ўзини бошқариш усулининг кенг йўлга қўйилиши, таълим жараёнини янада ривожлантириш мақсадида синфлараро мусобақалар ташкил этилиши, ўз навбатида, ўқувчилар билим савияси янада орттишига хизмат қилмоқда. Унинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, "Халқ маорифи аълочили" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Замира Рамазонова тўғрисида, самимий, мулоҳазали, қатъиятли, етакчилик қобилиятига эга ва ташаббускор раҳбар сифатида ўз жамоаси ҳурматини қозongan.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. **Замира Абдулазизовна Рамазонова 9-Андижон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар билан ҳамқадам

ассислигидаги Етакчи ёшлар маркази раҳбари сифатида иш бошлаган. Сўнгра Харақатнинг вилоят бўлимида ёшларнинг ижтимоий масалалари, қорхона, ташкилот ва муассасалардаги ёшлар билан ишлаш бўлими мудири, кейинчалик "Камалак" БТ раиси, раис ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. Хозирда харақатнинг вилоят Кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Билим ва кўникмаларини янада бойитиш мақсадида 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясининг кадрларни қайта тайёрлаш факультети ўқув курсларида фаол иштирок этди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида доимий изланида, янгиликларга интилиб яшайди. Вилоятда 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида "Бизнинг иқтидорлар", "10 ёшим — "Камалак" ёшим, "Мактаб жамоасида "Кама-

лак", "Камалак" билимдонлари" лойиҳаларини ташаббусқори сифатида эътибор қозongan.

Шунингдек, у вилоят аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида миллий истиқлол гоёсини кенг тарғиб этишда фаол иш олиб бормоқда. У 2007-2014 йиллар давомида бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган оммавий маданият хуружи, одам савдоси, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадида вилоят миқёсида ёшлар ўртасида мунтазам равишда ўтказилган тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйилишида бошқош бўлди.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Акmalжон Адилевич Жумабаев 10-Олтинқўл сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Шарафли касб соҳибаси

мани марказий касалхонасида даволоччи врач, 1986-1998 йилларда Жалақудук тумани марказий касалхонасида врач акушер-гинеколог, 1998-1999 йилларда Андижон шаҳар 3-поликлиника бош врач ўринбосари, 1999-2000 йилларда Андижон вилояти "Оила" илмий-амалий маркази саломатлик бўлими бошлиғи, 2000-2002 йилларда Андижон шаҳар ип-газлама йигирув комбинати тиббиёт бирлашмаси врач акушер-гинеколог, 2002-2005 йилларда Андижон вилояти "Бўстон" аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш маркази директори, 2005-2008 йилларда Республика "Бунёдкор аёл" уюшмаси Андижон бўлими раиси лавозимларида самарали меҳнат қилган.

— Оналлик — аёлга берилган энг катта бахт, - дейди у. — Чунки фарзандини бағрига босиб, кўксини тутганида аёлнинг кўзига дунё янада чиройли кўринади. Мен ҳар гал янги чақалоқ дунёга келганида, оналарда ана шундай чексиз қувончини

кўрганимда шу касбни танлаганимдан беихтиёр мамнун бўламан.

Холидаҳон Мирзараҳимова 2008 йилдан шу кунга қадар Андижон вилояти "Меҳримиз сизга" хотин-қизлар маркази директори, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциациясининг ахборот-ресурс маркази раҳбари вазифаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда у оилалардаги муаммоларни ҳал этиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи психолог, шифокор, ҳуқуқшунос хизмати тизимини йўлга қўйиш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, вақтинча иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни касб-хунарга йўналтириш ва уларни иш билан таъминлашда бевоқифа кўмаклашмоқда.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

**Холидаҳон Телмановна Мирзараҳимова 11-Бўз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Эътирофга муносиб

Адхам Узақджанов 1971 йилда Андижон вилоятида туғилган. Иختисоси — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

2000-2008 йилларда вилоят енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшмаси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири, соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси вилоят Кенгаши ижтимоий-иқтисодий масалалар бўлими мудири лавозимларида ўз фаолиятини давом эттирган.

2008-2011 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон ҳудудий бўлимида катта илмий ходим, институтнинг Марказий аппаратида етакчи илмий ходим, масъул котиб, институтнинг Андижон минтақавий ахборот-таҳлил марказида бош илмий ходим вазифаларида фаолият кўрсатган. 2011 йилнинг августидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлими-

си раҳбарининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Шунингдек, вилоят ҳокимлигида ташкил этилаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курсларида ўқитувчи сифатида фаолият юритмоқда. Адхам Узақджанов ижтимоий-сиёсий фаоллиги учун "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Адхам Узақджанов тўғрисида, самимийлиги ва етакчилик қобилияти билан меҳнат жамоасида ва кенг жамоатчилик ўртасида муносиб ҳурмат ва эътибор қозongan.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**Адхам Мухаматимович Узақджанов 12-Шаҳрихон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Миллий қадриятлар — бебаҳо бойлик



**Ёркиной Саттаровна Нишоновна**

Ўзбек миллий хунарамандчилиги эътибор ортаётган бугунги кунда замон талабига мос хунарамандчилик йўналишларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ёркиной Нишоновна ҳам миллий қадриятларимизни ёшларга тарғиб қилишдек муҳим вазифани амалга ошириб келмоқда.

Ёркиной Нишоновна 1966 йилда Андижон вилояти Асака туманида таваллуд топган. Иختисоси — муҳан-

дис-технолог. ЎзМТДП аъзоси.

Ёркиной Нишоновна меҳнат фаолиятини 1985 йили Асака туманидаги машиналарни ҳисобга олиш станциясининг оператори сифатида бошлаган. 2002-2009 йилларда Андижон миллий хунарамандчилик касб-хунара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, бўлим бошлиғи, директор ўринбосари лавозимларида ишлади. 2009 йилдан бошлаб ҳозирга қадар Андижон Миллий хунарамандчилик ва ижтимоий-иқтисодий коллежининг директори вазифасида самарали меҳнат қилмоқда.

Ёркиной Нишоновна изланувчан, ижодкор педагог, тадбиркор ва ташкилотчи раҳбар. Раҳбарлик фаолияти давомида таълим муассасаси раўнақига муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, коллежда "Миллий ва хорижий таомлар ошпази", "Миллий ва этнографик либослар дизайнери", "Ёғочга ишлов бериш технологияси ва мебель ишлаб чиқариш устаси" каби янги йўналишлар ташкил қилишга эришди. Коллежда яқин жойлашган ҳудуд аҳолисининг талабларини инобатга олиб "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик" йўналиши жорий қилинишида бош-қош бўлди.

У 2012 йилда коллежда "Андижон хунарамандчилигининг кечаси ва бугуни" номи музей ташкил қилди. Миллий либослар, дўппид-ўзлик, каштадўзлик, зардўзлик, заргарлик, наққошлик каби қадимий қадриятларимизни ёш авлодга ўргатишда коллежда етарли шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, изланишлари натижасида "Таълим муассасасининг истиқбол режалари" мавзусида лойиҳа иши яратиб, Республика ўрта махсус касб-хунара таълими тизими кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтига тақдим этди.

Ёркиной Нишоновна ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари учун 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони, 2012 йилда "Ўрта махсус касб-хунара таълими аълочили" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**Ёркиной Саттаровна Нишоновна 13-Асака сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Мақсади улугнинг иши ҳам улуг



**Зафар Кабилевич Парпиев**

1976 йил Андижон шаҳрида туғилган. 1998 йили Андижон муҳандислик иқтисодий институтининг бакалавр йўналиши, 2005 йили Банк-Молия академияси ма-

гистратурасини тамомлаган. Мутахассислиги — меҳнат иқтисоди ва ижтимоий, банк иши. ЎзМТДП аъзоси.

Мақсади улугнинг иши ҳам улуг, деган шiorга амалга қилувчи Зафар Парпиев меҳнат фаолиятини 1996 йили "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки Андижон вилояти филиалида ҳисоб бўлими мутахассислигидан бошлаган. 2013 йилдан буён "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиалини бошқариб келмоқда.

— "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки вилоят аҳолисига юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда, - дейди Зафар Парпиев. — Утган давр мобайнида банк фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қанча муҳим режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Айтиш жоизки, Зафар Парпиев


бошчилигидаги банк жамоаси доимий миқозлар сони, хусусан, "GM Uzbekistan" ва бошқа бир қатор йирик ишлаб чиқарувчилар билан самарали ҳамкорлик йўлида тинмай изланади.

Зафар Парпиев иш жараёни билан боғлиқ ҳар қандай таклиф ва танқидга тўғри ёндашади. Шу боис, у ҳар бир янгиликка бефарқ эмас. Айниқса, раҳбар сифатида ходимлардан қатъий интизом, миқозларга сифатли хизмат кўрсатиш, вазифа ва топшириқларни вақтида бажариш, ҳар бир масалани ижобий ва ҳолисона ҳал қилишни талаб қилади. Жамоа ишончи ва ҳурматини қозongan.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**Зафар Кабилевич Парпиев 14-Марҳамат сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Хотин-қизлар етакчиси



**Ирода Мухтаровна Сотволдиева**

1968 йил Хоразм вилояти Кўшқўпир туманида туғилган. 1991 йили Херсон давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — филолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1985 йили Хўжабод туманидаги 46-мактаб-

да бошлаган. Олий ўқув юртини битиргандан сўнг, 1991-1992 йилларда Хўжабод туман тиббиёт бирлашмаси ёшлар етакчиси, 1992-1998 йилларда Хўжабод тумани 14-мактаб гуруҳ тарбиячиси, 1998-2007 йилларда тумандаги 10-мактаб ўқитувчиси, 2007 йилдан 2012 йилга қадар Булоқбоши тумани Иқтисодий ва енгил саноат касб-хунара коллежи рус тили фани ўқитувчиси, тиллар кафедраси мудири вазифасида ишлади. 2012 йилдан ҳозиргача Булоқбоши туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Ирода Сотволдиева 2005 йили МДХ давлатларидаги педагог ходимлар ўртасида ўтказилган А.С. Пушкин ижодида бағишланган халқаро танловда фаол иштирок этди. У Пушкин, Лермонтов, Тютчев, А.Ахматова шеърларини

ўзбек тилига таржима қилган. Қатор мақола ва ҳикоялари матбуотда чоп этилган. Шунингдек, у болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасидаги йод танқислиги, вояга етмаганлар ва аёллар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш борасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Ёш авлодни тарбиялашдаги меҳнатлари учун бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

У тўғрисида, самимий, мулоҳазали, қатъиятли, етакчилик қобилиятига эга, ватанпарвар ва ташаббускор инсон сифатида ўз жамоаси ҳурматини қозongan.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Ирода Мухтаровна Сотволдиева 15-Хўжабод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тарихни билиш — ўзликни англашдир



**Гулнораҳон Комилжоновна Валихонова**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси Гулнораҳон Валихонова 1975 йилда Андижон вилояти Пахтабод туманида туғилган. Олий маълумтли

тарихчи ўз меҳнат фаолиятини 1997 йилда Чўлпон номи Андижон давлат тиллар педагогика институти ассистентлигидан бошлаган. 1998 йилдан Андижон кишлоқ хўжалик институтида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади. Кейинги йилларда мазкур институтда турли лавозимларда, 2001 йилдан бошлаб эса катта ўқитувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

У ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида мамлакатимиз учун юқори малакали ёш кадрларни тайёрлаш, уларни миллий истиқлол, миллий қадриятларни кадрлаш руҳида ва баркамол этиб тарбиялаш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Хозирга қадар Гулнораҳон Валихонова томонидан 10 дан зиёд илмий-оммабоп материаллар нашр этилган, шунингдек, унинг ҳаммуаллифлигида 2 та ўқув-услубий қўлланма тайёрланган.

Гулнораҳон Валихонова фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари хусусида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида доимий чиқишлар қилиб боради. У фуқаролик институтларининг барча тизимларини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ва ижтимоий-сиёсий фаолиги учун бир неча бор фахрий ёрлик билан тақдирланган.

У тўғрисида, қатъиятли, етакчилик қобилиятига эга. Ўз вазифасига сидқидилдан ёндашувчи ташаббускор ходим сифатида меҳнат жамоаси ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат ва эътибор қозongan.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Гулнораҳон Комилжоновна Валихонова 16-Пахтабод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



## Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — бош мезон



**Жаҳонгир  
Жаббарович  
Ширинов**

1982 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 2002 йилда Тошкент давлат юридик институтини, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Жаҳонгир Ширинов меҳнат фаолиятини 2002 йилда Бухоро вилояти адлия бошқармасининг ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлимида маслаҳатчилик

дан бошлаган. 2005-2006 йилларда адлия бошқармасининг жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бўйича етакчи маслаҳатчиси лавозимида ишлади. 2006-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказида етакчи маслаҳатчи, 2007-2010 йилларда бош маслаҳатчи, 2010-2011 йиллар давомида эса бўлим бошлиғи лавозимида меҳнат қилган. 2011-2012 йилларда Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасида бўлим бошлиғи, 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар Адлия вазирлиги Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. 2-даражада адлия маслаҳатчиси.

Жаҳонгир Ширинов нафақат амалий, балки илмий фаолият билан ҳам шуғулланади. 2013 йилда унинг ҳаммуаллифлигида ҳуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, амалиёт ходимлари, тадқиқотчи ва мутахассислар учун мўлжалланган "Тадбиркорлик субъектлари фа-

олиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш" илмий-ҳуқуқий қўлланмаси чоп этилган. Жаҳонгир Ширинов, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқшуносликнинг долзарб масалалари, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, адлия органлари тизимида амалга оширилган ишлар, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида ўз тақлиф-мулоҳазалари билан мунтазам иштирок этади, давра суҳбатлари, илмий семинар ва халқаро конференцияларда маърузалари билан қатнашган.

Жаҳонгир Ширинов 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган. Мулоҳазали, қатъиятли, етакчилик қобилиятига эга, ватанпарвар ва ташаббускор ходим сифатида ўз жамоаси хурматини қозонган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Жаҳонгир Жаббарович Ширинов 25-Варахша сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Бахт калити шогирдлар камолида



**Гулноз  
Илёзнова  
Тугилова**

1972 йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманида туғилган. 1995 йилда Жиззах давлат педагогика институтини ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабида етакчи вазифасидан бошлаб, 1993 йилдан ушбу мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

2006-2012 йилларда Фаллаорол туманидаги 26-мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси ва 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар мазкур мактабнинг директори лавозимида фаолият юритмоқда.

Гулноз Тугилованинг ўқувчилари вилоят, туман фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришган. Тажрибали муаллима "Она тили дарсларида ўқувчиларни муштақил фикрлашга ўргатиш", "Адабиёт дарсларида ўқувчиларни ижодкорликка ўргатиш" мавзуларида мунтазам ишлар олиб борган. У вилоят ўқитувчилари орасида ўзига хос хурматга эга. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи совриндори. Унинг иш тажрибаси вилоят ва туман миқёсида омма-лаштирилган, кўплаб диплом ва фак-

рий ёрликлар билан тақдирланган.

Гулноз Тугилова иш фаолиятида кадрлар салоҳиятини ошириш, мактаб жамоасига чуқур билим, малака, тажриба ва катта педагогик маҳоратга эга кадрларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ у раҳбарлик қилаётган мактаб 2013 йилда "Энг обод мактаб" кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллаб, вилоятдаги намунали мактаблар қаторидан жой олди. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тарғиб ва ташвиқ қилишда фаол иштирок этиб, ёш авлод таълим-тарбия-сига замонавий педагогик технологияларни жорий этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тажрибали устозлардан бирidir.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Гулноз Илёзнова Тугилова 29-Жиззах сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Таълимга эътибор — келажакка эътибор



**Шоҳида  
Ўталовна  
Ильёсова**

Ёш авлод камолотида биринчи устознинг хизмати, ўрни ва роли муҳим ҳисобланади. Зеро, илк бор мактабга қадам қўйган мурғак қалбларда ўқишга бўлган иштиёқ ва меҳ-

ний ўйотиш, улар онгига она Ватан туйғусини синдириш биринчи устознинг маҳорати ва салоҳиятига боғлиқ. Қарийб 30 йиллик педагогик тажрибага эга Шоҳида Ильёсова ана шундай маҳоратли бошланғич таълим ўқитувчиси.

1966 йилда Сирдарё вилояти Оқолтин туманида туғилган Шоҳида Ильёсова турли йилларда бошланғич таълим ўқитувчиси сифатида ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшган. У фаолияти давомида ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан жамоа орасида хурмат-эътибор қозонди. 2010-2012 йилларда Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 13-мактаб директори ўринбосари сифатида, 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар эса мактаб директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шоҳида Ильёсова касб тажрибаси ва малакасини ёшларга ўргатишда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Меҳнат фаолияти давомида бир қатор ютуқларга эришди. Жамоат ишларидаги фаол иштироки,

илмий, маънавий-маърифий тадбирлардаги жонқурлиги ва ёш авлодни хар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги хизматлари учун бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва туман ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Шоҳида Ильёсова дарс жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб, устоз-шогирдлик аъёнларини давом эттириб келмоқда. Айниқса, ёшлар дунёқарашини ёт гоғлар таъсиридан ҳимоялашда миллий ўзлигимизни сақлаш, аждодлар меросидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб, бунга ўз касби орқали амалга ошириб келаётган халқ таълими фидойиларидан ҳисобланади.

Оилали, уч фарзанднинг онаси.

**Шоҳида Ўталовна Ильёсова 30-Дўстлик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Маънавиятли авлод — келажак пойдевори



**Файрат  
Ўроқбоевич  
Қодиров**

Фаолияти давомида ёшларга илмий-зиёратнинг янги қирраларини очиб беришни ўзининг бурчи деб ҳисоблайдиган Файрат Қодиров 1973 йилда Жиззах вилояти Фаллаорол туманида туғилган. 1996 йилда Жиззах давлат педагогика институтини биология факультетини тамомлаган. 2007 йилдан Тошкент давлат иқтисодий университетини молия-

чи ихтисосликлари бўйича тамомлаган. Биология фанлари номзоди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Жиззах давлат педагогика институтини табиатшунослик асослари кафедраси лаборантligидан бошлаган.

1997 йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах давлат педагогика институтини бошланғич ташкилотни раис лавозимида фаолият олиб борган. 1998 йилда эса жамоатчилик фаолиятдан ташқари Жиззах давлат педагогика институтида ёшларга таълим-тарбия берди. 2008 йилдан ҳозирга қадар эса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Файрат Қодиров сиёсий партиядаги фаолияти билан бирга Жиззах давлат педагогика институтида турли лавозимларда ишлади. Хусусан, 2004-2009 йилларда институт касаб-а уюшмаси қўмитаси раиси, 2009-2011 йилларда илмий ишлар бўйича проректор, 2011 йилдан ҳозирги кунга табиатшунослик ва география

факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

2009 йилдан ҳозирги вақтгача халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати. Вилоят Кенгашидаги маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси сифатида фаолият олиб бормоқда. У раҳбарлик қилаётган партия гуруҳи ва комиссия фаолияти давомида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир қатор масалалар Кенгаш сессиялари ва доимий комиссия йиғилишларида муҳокама этилган.

У 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони, 2014 йилда "Халқ таълими аълочилиги" нишони билан тақдирланди.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Файрат Ўроқбоевич Қодиров 31-Зарбдор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Миллий журналистика ривожини йўлида



**Эркин  
Ўралович  
Шерманов**

1971 йилда Жиззах вилояти Жиззах туманида туғилган. 1995 йилда Туркиянинг Эгей университети журналистика факультетини тамомлаган. Эркин Шерманов меҳнат фаолиятини 1988 йилда "Жиззах ҳақиқати" газетасида мусаххихликдан бошлаган. 1995-2008 йилларда Жиззах

вилоят телерадиокомпаниясида оддий муҳбирликдан директор ўринбосари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. 2008 йилдан ҳозирги кунга қадар Жиззах вилоят телерадиокомпанияси директори лавозимида ишлаб келмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курси"ни тамомлади. Ташаббускор раҳбар сифатида ходимларнинг меҳнат ва ижод шариоатларини яхшилаш, малакасини ошириш, соҳага изланувчан ёш кадрларни жалб этиш борасида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, кейинги уч йил ичида муҳандис-техник ходимлар сафи иқтидорли ёшлар ҳисобига сезиларли даражада кенгайди.

— Миллий журналистиканимиз миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишнинг муҳим воситасига айланди, - дейди у. — Марказий телеканалларимиз кўрсатувлари хорижий мамлакатларга трансляция қилинапти. Ҳеч бир муболағасиз айтиш жоизки, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўли-

ши, жаҳон халқларининг мамлакатимизда рўй бераётган янгилашлар, халқимиз ўтмиши ва бугундан кенг миқёсда хабардор бўлиши ва юрти-миқёсда нисбатан қизиқиши тобора ортиб боришида оммавий ахборот воситаларининг ўз ўрни бор.

Эркин Шерманов жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. 2009 йилдан буён Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жиззах вилоят бўлимининг раиси сифатида журналистика соҳасини ривожлантириш, ОАВ ходимлари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтириш мақсадида танловлар ташкил этиш, фаол ва иқтидорли журналистлар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Эркин Ўралович Шерманов 32-Фаллаорол сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Интиланганга толе ёр



**Назир  
Нажметдинович  
Собилов**

1973 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўз фаолиятини 1991 йилда Бухоро вилоят "Варахша-йўлтаъмирқурилиш" корхонасида оддий ишчи, 1991-1992 йилларда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини электромонтёри сифатида бошлаган. Интиланганлиги боис, Бухоро озиқ-овқат ва енгил са-

ноат технологияси институтини, Тошкент Молия институтини тамомлади. Катта тажриба йўлини босиб ўтиб, кўпгина ташкилотларда раҳбарлик даражасига кўтарилди. Айни пайтда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият юритмоқда.

Вилоятда кўп тармоқли иқтисодий шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймайлик чора-тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш, рақобат муҳи-

тини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Назир Собиров Ўзбекистон Республикаси Бадминтон Федерацияси Бухоро вилоят бўлими раиси ҳамдир. Спортга муносабати юксак эканлиги боис бадминтон бўйича юртимизда ўтказилаётган барча мусобақаларда вилоят ёшларининг муносиб иштирокини таъминлаб келаётган.

Назир Собиров билимини ва амалий тажрибасини ошириш устида доимий иш олиб боради, билими, тиришқоқ ва масъулиятли раҳбарлардан ҳисобланади.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Назир Нажметдинович Собиров 26-Пайкент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Меҳнатдан келса бойлик...



**Жаҳонкул  
Ибрагимович  
Равшанов**

1963 йил Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини озиқ-овқат

моллари саноатини ташкил қилиш экономикаси, 2000 йил эса Тошкент Молия институтини молия ва кредит ихтисоси бўйича тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

Ж.Равшанов иш фаолиятини Халқ банкининг Бухоро вилояти Шофиркон туман бўлими бошқарувчисининг ўринбосари вазифасини бажарувчидан бошлаган. 1989 йилдан мазкур банкнинг бошқарувчи ўринбосари, кейинчалик Халқ банкининг Бухоро вилоят бошқармаси кимматбаҳо қоғозлар муомала касса ишлари бўлими бошлиғи, 1997-2000 йилларда Халқ банкининг Бухоро вилоят Фиждудон туман бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи ва бошқарувчиси бўлиб ишлаган. 2000-2001 йилларда Агробанкнинг Бухоро вилоят Фиждудон бўлими бошқарувчиси, 2001-2004 йилларда Бухоро ви-

лоят Шофиркон бўлими бошқарувчиси лавозимида ишлаган. 2004-2006 йилларда Халқ банкининг Бухоро вилояти филиали бошлиғи, 2006-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бухоро вилояти Бош бошқармаси бошлиғи, 2009 йилдан буён Халқ банкининг Бухоро вилояти филиали бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. У мамлакатимизда банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, мазкур соҳадаги қонунчиликдаги янгиликлар ва ютуқлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**Жаҳонкул Ибрагимович Равшанов 27-Жилвон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Маърифат фидойиси



**Шарофат  
Насимовна  
Обидова**

1964 йил Бухоро вилоятининг Фиждудон туманида туғилган. 1987 йил Бухоро давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

Йилларда Фиждудон туманидаги 27-сонли хунар-техника билим юртида ўқитувчилардан бошлаган. Тумандаги 14-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи, директор ўринбосари, директор вази-фаларида ишлаган. 2012 йилдан ҳозирги пайтгача Фиждудон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.


Ўзининг меҳнатсеварлиги, фаоллиги туфайли тез орада жамоа назарига тушди. Ўқитувчилик фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, ўзидаги бор билим ва маҳоратни ёш авлодга синдиришга интилдди. Унинг ўқувчилари туман, вилоят, республика олимпиадаларида ўз билим ва иқтидорлари билан фахрли ўринлар соҳиби бўлишди.

Шарофат Обидова тумандаги жамоат ишларида ҳам фаол қатна-

шиб келмоқда. У туман аҳолиси, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар орасида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар борасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Туман хотин-қизларининг етакчиси сифатида, ўзининг ҳаётий тажрибаси, раҳбарлик салоҳияти туфайли ҳудудда намунали ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар билан ишлаш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**Шарофат Насимовна Обидова 28-Фиждудон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Алишер  
Келдиевич  
Қодиров**

Иқтисодий мамлакат тараққиётининг ўқ томирдир. Буни чуқур англаган Алишер Қодиров хусусий мулкчиликни ривожлантириш, акциядорлик жамиятларида давлат улушини самарали бошқариш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини жаҳон бозорига олиб чиқишни ўзининг асосий мақсадларидан, деб билади.

2009 йилдан буён Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Жиззах вилояти

## Жаҳон бозорига интилиб

бошқармаси бошлиги лавозимида ишлаб келаётган Алишер Қодиров ўз мақсадлари йўлида самарали ҳаракат қилмоқда. 2009-2013 йиллар давомида Жиззах вилоятида олти хорижий давлатнинг фирмалари билан ҳамкорликда 48 та, биргина 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида 9 та қўшма корхона ташкил этилишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшди.

1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Алишер Қодиров 1995 йилда Жиззах давлат педагогика институти, 1996 йилда Туркия Республикаси Эгей университети, 2009 йилда Тошкент молия институти, 2011 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Иқтисоди — филолог, иқтисодчи, ЎзМТДП аъзоси.

А.Қодиров дастлаб 1995 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Жиззах вилояти бошқармасида етакчи мутахассис сифатида иш бошлаган. 1998-2004 йилларда Жиззах вилояти давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бир нечта

бўлимларида бошлиқ лавозимида самарали фаолият юритган. Шунингдек, у 2004-2008 йилларда Жиззах вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, бошқарманинг акциядорлик жамиятлари, хусусийлаштирилган ва давлат улушига эга бўлган корхоналарни самарали бошқариш бўлими бошлиги, 2008-2009 йилларда бошқарма бошлиги вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган.

Алишер Қодиров тажрибали раҳбар сифатида маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, юқори технология маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, "Жиззах" махсус индустриал зонасига маҳаллий ва хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида фаол иш олиб бормоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Алишер Келдиевич Қодиров 33-Пахтакор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Зулайхо  
Ибрагимовна  
Эгамова**

1969 йилда Навоий вилояти Навбахор туманида туғилган. Ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ЎзМТДП аъзоси.

Зулайхо Эгамова меҳнат фаолиятини 1991 йилда Навбахор туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2007-2009 йилларда ушбу мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича дирек-

## Оқила раҳбар аёл

тор ўринбосари, 2010 йилдан Навбахор туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўқитувчилик фаолияти давомида ўзининг изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ишларида фаоллиги билан жамоа назарига тушган Зулайхо Эгамова турли кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 2008 йилда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли 2-ўринни, 2009 йилда "Йилнинг энг яхши маънавий тарғиботчиси" танлови вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритган. Бундан ташқари, у раҳбарлик қилаётган жамоа ҳам қўллаб-қўсташларни қўлга киритмоқда. Жумладан, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида иштирок этган мактаб ўқитувчилари, "Билимлар беллашуви" вилоят босқичида қатнашган ўқувчилар фахрли ўринларни қўлга киритган.

Зулайхо Эгамованиннг ўз фао-

лиятдан келиб чиқиб тайёрланган "Жамоада соғлом муҳитни юзага келтиришда раҳбарнинг ўрни" мавзусидаги иши 2014 йилда вилоят миқёсида оммалаштирилган. У мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш, шу орқали юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш лозим, деб ҳисоблайди.

Зулайхо Эгамова ёш авлод тарбиясидаги катта хизматлари учун 2010 йилда "Меҳнат шукрати" ордени билан тақдирланган.

Тўғриси, самимий, қатъиятли ва ташаббускор раҳбар сифатида ўз жамоаси ҳурматиин қозонган Зулайхо Эгамова оилада ҳам оқила аёл, тўрт фарзанднинг меҳрибон онаси.

**Зулайхо Ибрагимовна Эгамова 37-Хатирчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар етакчиси

мой масалалар бўйича бош мутахассиси, 2009-2011 йилларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навбахор туман бўлими Кенгаши раиси, 2011-2012 йилларда Навоий вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи етакчи мутахассиси, 2012-2014 йилларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят бўлими Кенгаши раиси ўринбосари, раис вазифасини бажарувчи бўлиб фаолият олиб борган.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган "Камалат юлдузлари", "Камалат билимдонлари", "Юрт келажиги", "Энг намунали бошланғич ташкилот", "Сен билан бирга - камолот сари...", "Биз буюк юрт фарзандларимиз" каби 10 дан ортик йирик танлов ва акциялар, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш мақсадида "Спорт соғлиқ гарови", "Соғ танда соғлом аёл", "Шунқорлар", "Камолот маликиси", "Камолот кубоги", "Камолот шахмат тахтаси", "Kamolot-tur" веломарафони каби 20 дан ортик спорт тадбирларининг юқори савияда ташкил этилишида ўзининг ташаббускорлигини кўрсатди.

Унинг ташаббуси билан вилоятда-

ги ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб 50 нафардан ортик ёшларнинг ижод намуналари тўпланган "Истиқлол чечаклари" китоби нашр қилинди.

Козим Тожиёв ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида вилоят Кенгаши қошида ташкил этилган "Ёшлар ижтимоий хизматлар" марказлари ҳамда Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази" фаолиятини янада кучайтириб, қўшимча равишда "Ёш ҳуқуқшунослар", "Ташаббускор ёшлар" ва "Ёш журналистлар" каби тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйди ҳамда 30 га яқин тўғрақларга 6 минг нафардан ортик ёшларнинг жалб этилишига эришди.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.  
**Козим Уктамович Тожиёв 34-Навоий сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Козим  
Уктамович  
Тожиёв**

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва билимга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялашни муҳим мезон, деб ҳисоблайдиган Козим Тожиёв 1984 йилда Навоий вилояти Навбахор туманида туғилган. Мутахассислиги — инглиз тили ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

Козим Тожиёв 2007-2009 йилларда Навбахор туман ҳокимлиги ижти-



**Шухрат  
Жумакулович  
Худоёров**

1970 йилда Навоий вилояти Нурота туманида туғилган. 1993 йилда Самарқанд давлат университетининг математика факультетини тамомлаган. Иқтисоди — математика ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

Шухрат Худоёров 2001-2003

## Шогирдлари кўп олим

йиллари Ўзбекистон Республикаси ФА Самарқанд бўлими Минтақавий муаммолар комплекс илмий тадқиқот институти аспирантураасида ўқиган. 2006 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Шухрат Худоёров изланувчан олим сифатида ўнлаб қўлланмалар ҳамда 30 дан ортик илмий мақолаларнинг муаллифидир. У халқаро ва республика илмий анжуманларида фаол иштирок этиб келмоқда.

2008-2013 йилларда физика-математика факультети информатика ва ахборот технологиялари кафедраси мудири лавозимида фаолият олиб борган. 2014 йилдан бошлаб институт ўқув бўлими бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда.

Шухрат Худоёров кафедрага мудирилик фаолиятида бир нечта

фанлардан дастурлар, методик қўлланмалар ишлаб чиққан. Мазкур даврда кафедра илмий салоҳиятининг ошишига катта ҳисса қўшди. Кафедра ёш ўқитувчиларнинг кўпчилиги, у мудирилик қилган даврда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У институтнинг ўқув ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабалар орасида маънавий ва маърифий тарбияни кучайтиришда унинг ҳиссаси катта.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Шухрат Жумакулович Худоёров 38-Нурота сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фаол ва ташаббускор

ЎзМТДП аъзоси.

Анора Бобомуродова меҳнат фаолиятини 1979 йилда Навбахор тумани Мирзо Улугбек номи 6-сонли мактабда болалар етакчиси вазифасидан бошлаган. Узоқ йиллар давомида 14-сонли мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Шундан сўнг, Навбахор тумани халқ таълими бўлими методисти, Навбахор тумани ҳокимлиги девонида бўлим мудири, ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, ижтимоий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари, Навоий вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, мазкур институтнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида фаолият юритди.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-

тасининг депутати этиб сайланган.

2012 йилдан ҳозирги кунга қадар Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.


Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Анара Бобомуродова халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени, шунингдек, "Ўзбекистон мустақиллигига 10, 15, 20 йил" эсдалик нишонлари, Халқ таълими вазирлиги ва вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.  
**Анора Явқотчиевна Бобомуродова 35-Кизилтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Анора  
Явқотчиевна  
Бобомуродова**

1960 йилда Навоий вилояти Навбахор туманида туғилган. 1984 йилда Бухоро давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.



**Кодир  
Бақитжанович  
Супижанов**

1963 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1985 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Иқтисоди — муҳандис-механик. Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси аъзоси. Меҳнат фаолиятини 1985 йили Наманган вилоят гидрогеология

мелиоратив экспедициясида техник ходимликдан бошлаган. 1987-1989 йилларда Наманган вилоят сув ресурсларидан унумли фойдаланиш бошқармасида назоратчи, 1989 йилдан ҳозиргача Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида етакчи мутахассис, бўлим бошлиги, 1998 йилдан эса кўмита раиси ўринбосари лавозимида меҳнат қилмоқда.

Кодир Супижанов вилоятда табиатни муҳофаза қилиш, унинг табиий бойлиқларини асраб-авайлаш, экологик вазиятни янада яхшилаш борасида назорат ишларининг таъсирчанлигини оширишда катта ҳисса қўшиб ва бу жараёни самарали бошқариб келмоқда. Хусусан, вилоят худудидан оқиб ўтувчи Норин, Қорадарё ва Сирдарё дарёларининг қирғоқ зоналарига республика миқёсидаги муҳофаза этиладини табиий ҳудуд, шунингдек, Чуст туманида "Олмос-Варзик", Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларида "Исковот-Пешқўрғон" ер ости чу-

қуч ичимлик суви пайдо бўладиган ҳудудларга вилоят миқёсидаги муҳофаза этиладининг табиий ҳудуд мақомларининг берилишида унинг алоҳида ҳиссаси бор.

Кодир Супижанов вилоят аҳолисининг экологик маданиятини оширишда фаол иштирок этиб, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни кенг тарғиб қилиш, бу борадаги қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам қатнашди.

Кодир Супижанов камтар, меҳнатсевар инсон, ўз соҳасининг билимдон, жонқуяр ва талабчан раҳбар сифатида жамоа орасида катта ҳурмат қозонган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Кодир Бақитжанович Супижанов 39-Дўстлик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## "Устоз-шогирд" аънанаси давомчиси



**Фолибжон  
Мирзаевич  
Мусаев**

Ўз касби сир-асрорларини шогирдларига ўргатиб, кончилик соҳасида юртимизнинг ривожланган мамлакатлар сафига киришида муносиб ҳисса қўшишга интилаётган Фолибжон Мусаев ўз касбининг ҳақиқий билимдони. У 1979 йилда Навоий вилояти Кармана туманида туғилган. 2001 йилда Навоий дав-

лат кончилик институти, 2006 йил Урал давлат кончилик университети (сиртки) бакалавр босқичини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси аъзоси.

2001-2003 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси ишчиси, 2003-2007 йилларда бошқарма катта устаси, 2007-2012 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси 4-сонли Кўкпатас очик руда ишлаб чиқариш участкаси бошлиги ўринбосари, участка бошлиги вазифаларида фаолият олиб борган. 2012 йилдан ҳозиргача Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси очик руда ишлаб чиқариш бўлимининг бош муҳандис ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.


Шимолий кон бошқармасидаги иш фаолияти давомида ёшларга ўрناк бўлиб, юртимиз келажиги учун ёшлар олдига турган муҳим ва долзарб муаммоларни ўрганиш, уларни бар-тараф этиш, малака ва иқтидорларини қўллаб-қувватлашда ўзининг

бор куч ва ғайрати билан меҳнат қилиб келаётган ёш раҳбар кадрлардан бири ҳисобланади. Фаолияти давомида ёшларнинг соҳага оид кўникма ва малакаларини, давлат ва жамиятни ривожлантириш жараёнида фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни ўз ортидан эргаштириб келмоқда.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш, сарф-харажатлар тежамкорлигига, ишлаб чиқариш жараёнидаги техника хавфсизлиги ва қоидаларига амал қилиш ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этишда ўзининг ташаббускорлигини кўрсатиб келмоқда.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Фолиб Мирзаевич Мусаев 36-Зарафшон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Улугбек  
Тоҳиржанович  
Исматиллаев**

1979 йилда Уйчи туманида туғилган. 2000 йилда Тошкент давлат юридик институтининг бакалавр, 2003 йилда магистратура босқичи-

## Инсон ҳуқуқлари — муқаддас

ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Улугбек Исматиллаев меҳнат фаолиятини 2000-2004 йилларда Наманган вилоятидаги Ўзбек-Хитой қўшма корхонасида ҳуқуқшунос сифатида бошлаган. 2004-2009 йилларда вилоят Адлия бошқармасининг етакчи ва бош мас-лаҳатчиси вазифаларида ишлаган. 2009 йилдан буён бошқарманиннг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда.

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш асосий мақсадларидан биридир, - дейди Улугбек Исматиллаев. — Оммавий ахборот воситалари орқали суд-ҳуқуқ исло-

хотлари ҳамда адлия органлари тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида аҳолига маълумот бериб келмоқдам. Юртимизда ўтказилаётган илмий семинар, конференцияларда маърузалар орқали ўз тақриф ва мулоҳазаларим билан иштирок этаялман.

Улугбек Исматиллаев ўзининг ҳамкасблари орасида тўғрисиқлиги, самимийлиги ва интизомлиги билан ажралиб туради. Ташаббускор ходим сифатида етакчилик фа-зilatига эга.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Улугбек Тоҳиржанович Исматиллаев 40-Сардоба сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинган.**



**Шухрат  
Абдуллахмудович  
Тухтабаев**

1979 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Иختисоси — ҳуқуқшунос. Шухрат Тухтабаев меҳнат фаолиятини 2000 йилда Наманган вилоятидаги "Авангард-СТ" масъулияти чекланган жамиятининг омбор мудири вазифасидан бошлаган.



**Хайрулло  
Исмаилович  
Собиров**

1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 2004 йилда Тошкент давлат юридик институтининг бакалавр, 2006 йили магистратура босқичини тамомлаган. Иختисоси — ҳуқуқшунос.



**Нодиржон  
Илхомжонович  
Мухторов**

1982 йил Наманган вилояти Поп туманида туғилган. 2003 йилда Наманган давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг бакалавр босқичини, 2005 йилда Тошкент давлат юридик институти магистратура босқичини тамомлаган. Юридик фанлар номзоди, Ўзбекистон "Миллий тиклавиш" демократик партияси аъзоси.

2009 йил номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Ҳозирда, Тошкент давлат юридик университетда мустақил илмий ишларни давом эттирмоқда. Ҳуқуқшу-



**Абдулхай  
Рашидович  
Мўминов**

Тарихчи, ҳуқуқшунос, юридик фанлар номзоди Абдулхай Мўминов жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш ва унда миллий манфаатларни таъминлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. У 1968 йилда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган.

Абдулхай Мўминовнинг 60 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Хусусан, иккита илмий монография, учта дарслик (шўжа жумла, электрон дарслик), тўртта ўқув қўлланма,

## Изланувчан ҳуқуқшунос

2002-2003 йилларда Наманган вилоятидаги "Нам-Уй" хусусий фирмасининг иш юритувчиси бўлиб ишлаган.

Шухрат Тухтабаев 2003-2004 йилларда Наманган туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи "А.Фаниев" нотариал идорасининг нотариус котиби, 2005-2007 йиллар Наманган шаҳрида "Н.Ҳамидуллаев" нотариал идорасининг нотариус ёрдамчиси, 2007-2009 йилларда Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасининг котиби, стажёр нотариуси, 2009-2012 йилларда Наманган вилоят Адлия бошқармаси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, нотариат, ФХД ва адвокатура бўлимининг етакчи маслаҳатчиси, 2012-2013 йилларда Чортоқ туман давлат нотариал идорасининг нотариуси лавозимларида ишлаган. У 2013 йилдан буён

Наманган вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Шухрат Тухтабаев мамлакатимизда адлия органлари тизимида амалга оширилган ишлар, нотариат тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш билан бир қаторда, бу борада амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклиф, мулоҳазалари билан оммавий ахборот воситалари, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Шухрат Абдуллахмудович Тухтабаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 41-Тошбулоқ сайлов округидан номзод сифатида рўйхатга олинган.**

## Қонун устувор бўлса

Ўзининг меҳнат фаолиятини 2006 йилда бошлаган Хайрулло Собиров давлат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. 2010-2013 йилларда Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2013 йилдан бошлаб Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Хайрулло Собиров мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва адлия органлари тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида ўз таклиф-мулоҳазалари билан оммавий ахборот воситаларида чиқиш-

лар қилмоқда, давра суҳбатлари, илмий семинарлар ва халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқда.

Профессионал вазифасини сикидилдан, виждонан бажарадиган, ўз устида доимий ишлайдиган, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини орттириб борадиган раҳбар ҳисобланади. Қонунчиликдаги ўзгартириш ва қўшимчаларни вақтида ўрганиб, иш фаолиятига тўғри таътиб эта олади.

Хизмат вазифасига талабчан раҳбар сифатида ҳам бошқарма ходимлари ўртасида хурматга сазовор.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Хайрулло Исмаилович Собиров 42-Қосонсой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Қонун ижодкорлиги йўлида

нос олим сифатида қўлланмалар ҳамда 250 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифидир.

Нодиржон Мухторов 2006 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида девоксонна мудири, етакчи илмий ходим, бош илмий ходим, бўлим бошлиғи в.б., бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳаси ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари мониторинги бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмуни хусусида оммавий ахборот воситаларида доимий чиқишлар қилиб, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Мониторинг институтидаги фаолиятида 1000 дан ортиқ қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, 50 га яқин қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш ишларида фаоллик кўрсатган.

Нодиржон Мухторов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги жамоатчилик экспертлик Кенгашида эксперт, мамлакатимизда демократик исло-

хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга оид йўналиши ижросини таъминлаш юзасидан тузилган комиссия аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилдаги "Қоррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва ҳуқуқий норма ва механизмларни такомиллаштириш бўйича тадбирлар Дастури тўғрисида"ги фармойиши билан тузилган Комиссиянинг эксперт гуруҳи раҳбари, Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси ҳамдир.

У қонун ижодкорлиги жараёнида кўрсатган хизматлари учун бир неча бор фахрий ёрликлар билан мукофотланган. Хусусан, 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонин билан мукофотланган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Нодиржон Илхомжонович Мухторов 43-Поп сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳуқуқий маданият — давр талаби

ўндан ортиқ дастур ва услубий ишланмалар, рисоалар шулар жумласидандир. Унинг ҳаммуаллифликдаги "Инсон ҳуқуқлари" дарслиги эса "2012 йилнинг энг яхши дарслиги" танловида ғолиб бўлган.

Ўз меҳнат фаолиятини 1997 йилдан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқитувчиликдан бошлаган Абдулхай Мўминов 1997-2010 йилларда мазкур университетда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири вазифасини бажарувчи, 2010 йилдан буён эса кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Абдулхай Мўминов ҳозирда мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, миллий манфаатларни илгари сурши, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришнинг халқаро-ҳуқуқий ва геосиёсий жиҳатларини таҳлил қилиш бўйича ишларни олиб бормоқда. Номзодлик диссертациясини ҳам "Ўзбекистон Республикаси ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий масалалари" мав-

зусида ёқлаган. А.Мўминов хорижда Ўзбекистоннинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгиллаш борасидаги, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлари ҳамда халқимизнинг бой маънавий-маданий қадриятлари, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликнинг аҳамияти тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантиришда ҳам фаол қатнашмоқда.

У ўз касбининг етук мутахассиси, сеvimли устоз, моҳир педагог ва олим сифатида ёшлар онгида ватанпарварлик туйғуси ва миллий истиқлол ғояларини мустаҳкамлаш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга хурмат туйғусини, она Ватан келажигига дахлдорликни кучайтириш, кучли фуқаролик позициясига эга баркамол авлодни тарбиялашда астойдил меҳнат қилмоқда.

Оилали, икки нафар фарзанди бор. **Абдулхай Рашидович Мўминов 44-Тўрақўрган сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Акмал  
Эргашевич  
Раҳманов**


1967 йилда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. 1991 йилда Тошкент давлат университетини, 2000 йилда Тошкент давлат юридик институти тамомлаган. Иختисоси — географ-иқтисодчи, ҳуқуқшунос. Юридик фанлар номзоди. Ўзбекистон "Миллий тиклавиш" демократик партияси аъзоси. Акмал Раҳманов иш фаолиятини 1991 йилда Тошкент давлат университетиде катта лаборант вазифасидан бошлаган. 1992-1995 йилларда университетда кундузги аспирантурани ўтади.

1995-1996 йилларда Тошкент



**Жаҳонгир  
Ҳакимжонович  
Ғаниев**

Ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини замон талаблари даражасида шакллантиришда устоз-мураббийларнинг ўрни беқиёс. Ўз фаолияти давомида навқирон авлодга ана шундай маъ-



**Акмалжон  
Олимжонович  
Дадабоев**

Энг машаққатли юмушлардан бири пул муомаласини тўғри, мақсадли амалга оширишдир. Кўнгини дунё мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз хали-ҳамон давом этаётган бир паллада юртимиз-

## Ташаббускор депутат

давлат юридик институтида библиограф, нашриёт бўлими мухаррири, 1996-1998 йилларда "Аспиратура ва докторантура" мудири, 1998-1999 йилларда ректор ёрдамчиси, 1999-2000 йилларда маънавий-маърифат бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади.

2000-2004 йилларда институт давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедрасида ўқитувчи, 2004-2009 йилларда конституциявий ҳуқуқ кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, 2009 йилда магистратура декани лавозимларида фаолият юритди. 2008 йилда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Акмал Раҳманов 2009 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланган. Мудрофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси. Шунингдек, 2010 йилдан Қонунчилик палатаси "Норматив-ҳуқуқий атамалар" комиссияси, Ўзбекистон — Буюк Британия парламентлари ҳамкорлик кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Фармойишига мувофиқ, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш

ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини, 2014 йил 25 июндаги фармойишга мувофиқ, Конституцияга киритилган тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги комиссиялари аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Акмал Раҳманов депутат сифатида самарали иш олиб бормоқда. Хусусан, уч мартаба қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланди ва ўн еттита қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этди. У давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгиллаш, маҳалла институти маъқеини ошириш, парламент ва жамоатчилик назоратини, мамлакат барқарор ақтисодий тараққиётини, фуқаролар хавфсизлигини, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда жамиятда барқарорлик, тинчлик, хавфсизлик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашини қонунчилик йўли билан таъминлашга эътибор қаратиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Акмал Эргашевич Раҳманов 45-Уйчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Илм-маърифат фидойиси

рифат зиёсини улашаётган Жаҳонгир Ғаниев 1999 йил Наманган давлат университетини тамомлаган. Иختисоси — тарихчи. Ўзбекистон "Миллий тиклавиш" демократик партияси аъзоси.

Жаҳонгир Ғаниев 1977 йил Наманган вилоят Ҳаққулбод шаҳрида туғилган. У талаблик давридаёқ ўзининг изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги билан жамоа назарига тушди. Шу боис унга университет раҳбарияти шу даргоҳда қолиш таклифини билдирди. 2000-2003 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институтининг аспирантурасида ўқиди. Орадан кўп ўтмай номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Жаҳонгир Ғаниев 2005-2006 ўқув йилида педагогик фаолиятини давом эттириб, Тошкент ахборот технологиялари университети демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедрасида ассистент, 2006-2010 йилларда эса Ўзбекистон дав-

лат жисмоний тарбия институти Ўзбекистон тарихи ва демократик жамият куриш асослари кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2010-2012 йилларда Тошкент давлат маданият институти ҳамда 2012-2014 йилларда эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида кафедра мудири лавозимларида фаолият юритган. Ҳозирда эса мазкур кафедрада доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу кунга қадар унинг 20 га яқин илмий мақолалари, 2 та ўқув-услубий қўлланмиси нашр этилган.

Жаҳонгир Ғаниев самимий, мулоҳазали, қатъиятли, етакчилик қобилиятига эга, ватанпарвар ва ташаббускор ходим сифатида ўз жамоасида хурмат қозонган.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Жаҳонгир Ҳакимжонович Ғаниев 46-Учқўрган сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Банк-кредит соҳаси билимдони

да мазкур соҳада барқарорлик кузатилаётгани эътирофга лойиқ. Бунда тадбирли, билимли иқтисодчиларнинг ҳам ҳиссаси бор.

1976 йил Наманган вилояти Янгиқўрган туманида туғилган Акмалжон Дадабоев ҳам ўз фаолияти ва тақдирини иқтисод соҳасига боғлади. Табиатан ўқир эҳтли бўлган ёш иқтисодчи соҳада кўплаб муваффақиятларни қўлга киритди. Дастлаб Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти, сўнгра Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги бўйича тамомлади.

Акмалжон Дадабоев 1999-2010 йилларда Ўзбекистон Миллий банкнинг Наманган вилоят бўлимида 2-тоифали, 1-тоифали, етакчи мутахассис, бош мутахассис, бош ревизор, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.


2010 йилнинг март ойидан Ўзе-

бекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилоят Бош бошқармасида шўба мудири, Пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи, 2014 йилда Ўзмиллийбанк Наманган вилоят бўлими бошлиғи, 2014 йилдан ҳозирги пайтгача Республика Марказий банки Наманган вилоят Бош бошқармаси бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Акмалжон Дадабоев ёш, янгилликка интилувчан, унга берилган топшириққа астойдил ёндашадиган, давлатимиз олиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни чуқур англайдиган раҳбарлардан.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси. **Акмалжон Олимжонович Дадабоев 47-Чортоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Кимё соҳаси етук мутахассиси



**Муроджон  
Рашидович  
Қодирхонов**

Фан-техника соҳаси вакиллари замонавий ахборот ва педагогик технологияларни мукамал билиши ҳамда хорижий тилларни яхши ўзлаштириб бориши муайян ютуқларга эришишга ёрдам беради, деб

ҳисоблайди Муроджон Қодирхонов. У 1971 йил Чуст шаҳрида туғилган. Иختисоси — кимёгер, ўқитувчи. Кимё фанлари номзоди, доцент. ЎЗМТДП аъзоси.


Муроджон Қодирхонов 1994-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти аспирантурасида ўқиган. 1998 йили "Юкори молекула бирикмалар кимёси" мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1999 йилда ЎЗР ФАнинг Республика ёш олимлар мукофоти совриндори бўлган. 80 дан ортиқ илмий мақола, 10 та ўқув-услубий ишланма ва ихтиро учун патент муаллифи.

Муроджон Қодирхонов 1999-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида илмий ходим сифатида ишлаган. У ўзининг илмий-педагогик фаолиятини 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб Наманган давлат университетида давом

эттирмоқда. 2005-2006 йилларда кимё кафедраси мудири, 2006-2008 йилларда табиий фанлар факультети декани лавозимларида ишлади. 2008 йилдан буён университетда илмий ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Муроджон Қодирхонов мамлакатимизда аънавий тарзда ўтказиладиган Инновациялар гоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика кўргазмасининг фаол иштирокчиси, Наманган давлат университетида "Иқтидорли ёшларнинг илмий ахбороти" журнали муҳарири. У, шунингдек, вилоят микёсида ўтказилаётган турли ижтимоий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Муроджон Рашидович Қодирхонов 48-Чуст сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Маматқодир  
Исматиллаевич  
Назаров**

1965 йили Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилган. 1989 йили Тошкент давлат университетини тамомлаган. Иختисоси — географ. ЎзМТДП аъзоси.  
1996 йили "Қишлоқ жойларида

## Олим ва тадқиқотчи

аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни худудий ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2005 йилда доцент илмий унвонига эга бўлди.  
Шу кунгача Маматқодир Назаровнинг етмишга яқин илмий ишлари чоп этилган бўлиб, учта илмий монография, иккита дарслик, бешта ўқув қўлланма, дастур ва услубий ишланмалар, рисола ҳамда илмий мақолалар шулар жумласидан. Хозирда у мамлакатимизни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг геоиқтисодий ва геодемографик, айниқса, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш, қишлоқ инфратузилмаси ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича изланишлар

олиб бормоқда.  
Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар, чунончи таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўйбга чиқариш, замонавий иختисосликларни жорий этиш, ўқув муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия сифатини ошириш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Маматқодир Исматиллаевич Назаров 49-Янгиқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Рахим  
Эргашевич  
Тугилов**

Изланишда, интилишда бўлган инсонларнинг меҳнати доимо кадр ва эъзоз топади. Хозирда "JV MAN Auto-Uzbekistan" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада бош муҳандис сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Рахим Тугилов меҳнат фаолиятига назар ташлаб, бунга яна бир қаррамин бўлиш мумкин. У 1968 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. 1994 йилда Украина давлат аграр университетини тамомлаган. Иختисоси — муҳандис-механик. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

## Ўз соҳасининг билимдони

Рахим Тугилов меҳнат фаолиятини 1984 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги жамоа ҳўжалигида бошлаган. 1994-2007 йилларда "ЎзБАТ" акциядорлик жамияти қўшма корхонаси "Самарқанд сигарет фабрикаси" Самарқанд филиалида механик, муҳандис-механик, бош механик, техник хизмат бошлиғи, 2007-2008 йилларда "ЎзБАТ" акциядорлик жамияти қўшма корхонасида бош муҳандис, "Самарқанд сигарет фабрикаси" Самарқанд филиалида лойиҳалар бўйича менежер, 2008-2009 йилларда "ЎзБАТ" акциядорлик жамияти қўшма корхонаси Тошкент филиалида "SAP" лойиҳасини жорий этиш бўйича мутахассис лавозимларида ишлаган. 2010-2011 йилларда Тошкент шаҳридаги "Integra DD" масъулияти чекланган жамиятида бош муҳандис вазифасида фаолият олиб борган. 2011-2012 йилларда "JV MAN Auto-Uzbekistan" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг хизмат ва дилерлик марказида бош муҳандис лавозимида меҳнат қилган. 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар "JV MAN Auto-Uzbekistan" масъулияти чекланган жамият шаклидаги

қўшма корхонаси бош муҳандиси лавозимида ишлаб келмоқда.  
Рахим Тугилов иш фаолияти давомида самарали меҳнат қилиб, жамоадошлари орасида ишчан ходим, оқори малакали мутахассис, ўз касбининг билимдони, тажрибали раҳбар сифатида номён этиб, алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Мамлакатимиз автомобилсозлигининг муҳим таянчларидан бири бўлган "JV MAN Auto-Uzbekistan" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонанинг қурилишида, янги технологияларга эга бўлган "MAN" автомобилларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуналарни монтаж қилиш ҳамда янги инновацион технология ва усулларнинг амалиётга татбиқ этилишида унинг ҳиссаси катта. Айни кунда у қўллаб ёшларга мураббийлик қилиб, ўзининг билим ва тажрибасини ўргатиб келмоқда.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Рахим Эргашевич Тугилов 53-Иштихон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Хотин-қизлар манфаати ҳимоячиси



**Мархабо  
Низамиёвна  
Гафурова**

1971 йилда Жиззах вилояти Бахмал туманида туғилган. 1994 йилда Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг қурилиш иқтисоди ва режалаштириш кафедрасида ассистент, 2005 йилда катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 2005 йилдан 2010 йилга қадар институтнинг қурилиш ташкил этиш ва иқтисод кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида фаолият олиб борган. 2010 йилдан ҳозирги кунга қадар Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

"Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.  
У 1995 йилдан 2005 йилга қадар Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг қурилиш иқтисоди ва режалаштириш кафедрасида ассистент, 2005 йилда катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 2005 йилдан 2010 йилга қадар институтнинг қурилиш ташкил этиш ва иқтисод кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида фаолият олиб борган. 2010 йилдан ҳозирги кунга қадар Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.  
Мархабо Гафурова оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг моддий ва маънавий турмуш шароитларини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Хотин-қизлар, асосан, олий ўқув юртлири ҳамда касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларни иш билан таъминлаш, вояга етма-

ганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, шунингдек, бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни диний экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоялашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва назорат қилинишини таъминлаб келмоқда.  
Хотин-қизлар, айниқса, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган хизматлари учун бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Жумладан, 2011 йилда "Ўзбекистон мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган бўлса, 2013 йилда "Намунали милиция таянч пунктлари" ўртасида ўтказилган вилоят танловининг "Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси" номинацияси бўйича голиб деб топилган.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Мархабо Низамиёвна Гафурова 50-Регистон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Шерзод  
Азимович  
Тухташев**

1979 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. 2001 йил Тошкент давлат юридик институти, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси олий ўқув курслари раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсини тамомлаган. Иختисоси — ҳуқуқшунос.  
У иш фаолиятини дастлаб

## Адолат ҳимоячиси

Самарқанд шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси лавозимида иш ўрганувчиликдан бошлаган. Кейинчалик, Самарқанд туман прокуратурасининг терговчиси, вилоят прокуратурасида катта терговчи, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, катта терговчи, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Ишда ўзининг билими ва ҳаракатчанлигини намойиш этган Шерзод Тухташев 2012 йилдан буюн Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани прокуратури лавозимида ишлаб келмоқда.  
Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва адлия органлари тизимида амалга оширилган ишлар, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида илмий мақолалар муаллифи. Соҳада қабул қилинаётган қонун ва қонуности

хужжатлари аҳолига етказиш мақсадида вилоятдаги таълим муассасалари, маҳалларда давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиб келмоқда.  
У хизмат вазифасини сидқидилдан, виждонан бажарадиган, ўз устида доимий ишлайдиган, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини орттириб борадиган раҳбарлар сирасига кирди.  
Шерзод Тухташев тўғрисида, самимий, мулоҳазали, тажрибали, қатъиятли, етакчилик қобилиятига эга, ватанпарвар инсон сифатида жамоа ўртасида ҳурмат қозongan.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Шерзод Азимович Тухташев 54-Каттақўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Иқтисодиёт ривожига кўмакчи



**Тимур  
Донишевич  
Шукуров**

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва мустақилликка эришишнинг муҳим омилларидан бири бу — соҳада етуқ ва малакали кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг салоҳият ва тажрибаларидан унумли фойдаланишдир. 1983 йил Самарқанд шаҳрида туғилган Тимур Шукуров ана шундай замонавий билимларга эга иқтисодчи кадрлардан ҳисоб-

ланади. У ўз меҳнат фаолиятини 2005 йилда "ELXOLDING" корхонасида бошлаган, 2006-2010 йилларда мазкур корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи, 2010 йилдан 2012 йилгача "Эл-Мероси" театрининг директори лавозимида ишлаган. 2012 йилдан ҳозиргача "ELXOLDING" корхонаси директорининг тижорат масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.  
Тимур Шукуров меҳнат фаолияти билан бирга ўз соҳасига оид замонавий билимларни эгаллашга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, 2007 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳузурдаги Кадрларнинг малакасини ошириш марказида "Стратегик маркетинг" йўналиши бўйича, 2007-2008 йилда Англиянинг Манчестер шаҳрида инглиз тили курсини тугатган. Ўз соҳасини янада мукамал ўрганиш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида Тимур Шукуров корхона фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўшди. Жумладан, 2012-2014 йилларда тайёр маҳсулотни сотиш

ҳажми йилига 80 фоизга кўтарилиб, корхонанинг даромади сезиларли даражада ошди.  
Тимур Шукуров корхона вакили сифатида республика ва халқаро миқёсда ўтказилаётган кўрғазмларда, конференциялар ва симпозиумларда фаол қатнашиб келмоқда. У ўз билим ва тажрибаларини ёш мутахассисларга ўргатиб, уларнинг малакасини ошириб боришга катта ҳисса қўшмоқда. Унинг ташаббуси билан корхона томонидан сўнгги икки йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 20 миллион сўм, Футболнинг ривожлантириш жамғармасига 470 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Тимур Шукуров жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.  
Оилали, бир нафар фарзанди бор.  
**Тимур Донишевич Шукуров 51-Сўғдиёна сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Яхши таълим тарбия — саодат калити



**Феруза  
Шавкатовна  
Раҳимова**

— Инсон қаерда ва қандай касбда ишламасин, ўз соҳасида янгиликка интилувчан, изланувчан, ўз олдида қўйган вазифаларга масъулият би-

лан ёндашиши керак, шунда ишида унум, барака, ўсш бўлиб, халққа керакли инсон бўла олади, - дейди Феруза Раҳимова. У 1972 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Иختисоси — мактабча тарбия педагогика ва психология ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.  
Феруза Раҳимова меҳнат фаолиятини 1989 йилда Каттақўрғон шаҳридаги 4-мактабча таълим муассасасида бошлаган. 1994-2003 йилларда Каттақўрғон шаҳар 5-маҳсус мактаб-интернатда тарбиячи вазифасида ишлаган. 2003 йилдан бошлаб Каттақўрғон шаҳридаги 6-умумтаълим мактабда психолог, 2004 йилдан маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2006-2014 йилларда мазкур мактабнинг директори лавозимида ишлади. 2014 йилнинг июнь ойидан ҳозирги вақтга қадар Каттақўрғон шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида меҳнат қилиб келмоқда.

2009 йилдан халқ депутатлари Каттақўрғон шаҳар Кенгаши депутати.  
Феруза Раҳимова мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, шунингдек, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.  
У 2010 йилда "Халқ таълими аълочилиси" кўкрак нишони, 2011 йилда "Ўзбекистон мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.  
**Феруза Шавкатовна Раҳимова 55-Қорадар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фаол тарғиботчи



**Фарход  
Батирович  
Тураев**

1970 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. 1993 йилда Тошкент давлат маданият институтини театр жамоаси режиссёри, 2004 йилда эса Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини журналистика мутахассислиги бўйича тамомлаган. Иختисоси — театр жамоаси режиссёри, журналист. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.  
Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Республика ўқувчилар саройи

драма тўрагаги раҳбари сифатида бошлаган. 1993 йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 3-мактабда мусиқа фани ўқитувчиси бўлган.  
1996-2006 йиллар давомида "Ўзтелерадиокомпания" да суҳандон, "Маърифат" бош муҳарририят режиссёри, бош режиссёри, "Юксалиш" студияси катта муҳаррири лавозимларида меҳнат қилган.  
2006-2012 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телеканали "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар" бош муҳарририят муҳаррири, "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририят репортёрлар гуруҳининг мухбир-репортёри, 1-тоифали мухбир-репортёри, 2012-2013 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телеканали "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар" бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари, 2013-2014 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси директори ва-

зифасини бажарувчиси, 2014 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси директори лавозимида ишлаб келмоқда.  
Фарход Тураев тайёрлаган "Озодлик шуқуқи", "Обод уйда пок одамлар яшайди", "Нигоҳ", "Панжара орти ёхуд озодлик неъмат", "Беҳуда кетган умр", "Эссиз, аёллар...", "Неча қилсанг тарбият..." кўрсатувлари мавзусининг долзарблиғи, ёндашувнинг ўзига хослиғи билан мутахассислар, кенг жамоатчилик назарига тушди.  
Фарход Тураев самарали меҳнати туфайли 2012 йилда халқаро "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун ўтказилган танловда телевидение йўналиши бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.  
**Фарход Батирович Тураев 52-Булунгур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фуқаролик жамияти равнақи йўлида



**Азамат  
Кенжабоевич  
Пардаев**

1973 йилда Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида туғил-

ган. 1994 йилда Самарқанд давлат университетини тарих фани, 2009 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши бўйича тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.  
Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани халқ таълими бўлимига қарашли ўқув-техник вазирлик маркази ходими сифатида бошлаган. 1995-1996 йилларда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, раис лавозимларида самарали меҳнат қилди. Шу билан бирга вилоят "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" раҳбари, Самарқанд давлат университетига ўқитувчи, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг

Самарқанд вилояти худудий бўлинмасига раҳбарлик қилиб келмоқда.  
Ўтган йили Самарқанд вилоятида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент чоғида Азамат Пардаев ўтказилган 43 та матбуот-конференцияси, 14 та брифинг, 760 та семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этди.  
А.Пардаев 2008 йили ёшлар ташкилоти фаолиятига қўшган салмоқли ҳиссаси учун "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.  
Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.  
**Азамат Кенжабоевич Пардаев 56-Нарпай сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Сиддиқ  
Қаҳорович  
Номозов**

1972 йил Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманида туғилган. 1996 йил Самарқанд кишлоқ хўжалик институтини агросаноат комплекси тармоқлари иқтисодиёти ва уни бошқариш, 2003 йил Тошкент давлат иқтисодиёт университетини банк иши, 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини бошқарув маҳорати мутахассисликла-

## Муваффақият — тинимсиз изланиш ва ҳаракат меваси

ри бўйича тугатган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Сиддиқ Номозов банк тизимидаги меҳнат фаолиятини 1996 йилдан Халқ банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ҳисоб-китоб бўлимида бухгалтер сифатида бошлаб, кейинчалик бир қатор лавозимларда ишлади. 2002 йилдан Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг Ички аудит бошқармасида молиявий аудит ва мониторинг бўлими бош аудитори, банк филиалларини аудит қилиш бўлими бош мутахассиси лавозимида фаолият юритди.

2004-2014 йиллар мобайнида филиал бошлиғи ўринбосари, филиал бошлиғи, 2014 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг Ички аудит департаменти директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзига юклатилган вазифани талаб даражасида бажаришга ҳаракат қила-

ди. Билим савиясини ва касб маҳоратини ошириш устида тинмай ишлайди. Меҳнат фаолияти давомида ўзига топширилган вазифаларга жиддий ёндашиб, виждонан ва мукамал бажарадиган, масъулиятни ҳис қиладиган раҳбар ходим сифатида танилди.

Банк ва молия тизимини ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилишга қаратилган барча қарорлар ижросини ўз вақтида таъминлаш ва уларни бевосита ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда. У банк соҳасини мукамал билладиган, тажрибали ва ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбар ҳамда банк соҳасида ўнлаб шогирдлар тайёрлаган мураббий ва устоз сифатида хурмат қозонди.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.  
**Сиддиқ Қаҳорович Номозов 57-Оқдарё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Навқирон авлод етакчиси

тахассисликдан раис ўринбосари лавозимига кўтарилган. 2012 йилдан буён "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши аппарати бўлим мудири, Республика "Қамалак" болалар ташкилоти раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У илм-фанга қизиқиши боис, илмий семинар ва конференцияларда ўз чиқишлари билан доимий иштирок этиб келди. Унинг шу кунга қадар 32 та илмий мақоласи чоп этилган. Шунингдек, жамоат ва ташкилий ишларда ҳам фаол иштирок этади. 2005 йилда Миср Араб Республикасида ўтказилган ёшлар фестивалида иштирок этиб, 34 та давлат делегацияси орасида Ўзбекистон кунлари тақдиротини ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшди.

Наврўзжон Маҳкамов "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида ишлаб келаётган даврида кўплаб лойиҳаларни амалга оширишда ташаббус кўрсатган. Жумладан, курактанловлар, спорт мусобақалари, фестиваллар ҳамда кўплаб хайрия ва ижтимоий ёрдамга йўналтирил-

ган тадбирлар орқали кўплаб ёшлар доимий иш билан таъминланди. Уларга зарурий маслаҳат ва лўқималар берилиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида Самарқанд вилоятида 10 та "Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази", Пастдарғом, Пайариқ туманларида "Ёшлар марказ"лари ташкил этилиб, бугунги кунда 47 та тўғарақ ёшлар хизматида. У "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 10 йил", "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" кўкрак нишонлари, 2012 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

У мулоҳазали, билимли, вазиятни тўғри баҳолаб, тезкор ва адолатли қарор қабул қилиш хусусиятига эгаллиги билан жамоа ўртасида хурмат қозонган.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.  
**Наврўзжон Тўхтамишович Маҳкамов 58-Пастдарғом сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳам филолог, ҳам ҳуқуқшунос



**Алишер  
Шоназарович  
Хамраев**

— Ҳуқуқшунос, энг аввало, моҳир нотик, шу билан бирга адабий тил меъёрларидан яхши хабардор инсон бўлиши керак, - дейди Қашқадарё вилоят Хўжалик суди раиси-

нинг ўринбосари Алишер Хамраев.

1968 йилда Самарқанд вилоятида туғилган Алишер Хамраев шу мақсадда Самарқанд давлат университетининг икки факультетини тамомлаб, ҳуқуқшунос-филолог мутахассисликларини эгаллади.

Алишер Хамраев дастлаб ўз фаолиятини Самарқанд давлат университетининг чет эл адабиёти кафедрасида, Самарқанд шаҳридаги лицей ва мактабларда ўқитувчиликдан бошлади. 1998-2001 йилларда вилоят молия бошқармаси ва иқтисодиёт бош бошқармасида бош ҳуқуқшунос, 2001-2008 йилларда вилоят адлия бошқармасида катта маслаҳатчи, бош маслаҳатчи лавозимларида ишлади. 2008-2009 йилларда Тошкент вилоят Хўжалик судида маслаҳатчи, 2009-2014 йилларда Самарқанд вилоят Хўжалик суди судьяси сифатида фаолият олиб борди.

У иш фаолиятида талабчан, ташкилотчи ва тиришқоқ раҳбар сифатида хурмат ва эътиборга сазовор

бўлган, ўз устида тинимсиз ишлайди. Суд тизими ислохотларида фаол иштирок этишга интилиб, соҳага доир бир неча илмий мақолалар тайёрлаган.

Куч — билим ва тафаккурда, шioriга риоя этган ҳолда, сийси, маънавий ва ҳуқуқий билимини ошириш устида қатъият билан ишлайди, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда матбуотда доимий равишда ўз мақолалари билан иштирок этади. Ватанимиз тарихини ўрганишга бўлган қизиқиши кучлилиги боис тинимсиз муроаа қилади.

Алишер Хамраев камтарин, тўғриси, касбдошларига нисбатан ғамхўр раҳбар.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

**Алишер Шоназарович Хамраев 61-Тайлоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Изланувчан мутахассис ва устоз



**Джазил  
Сайдуллаевич  
Юлдашев**

Касбга садоқат, меҳр-муҳаббат кишини улугъ ниётлар сари етаклайди. Эзгу орзуларга эса элнинг меҳр-муҳаббатини қозо-

ниб, унинг назарига тушиб эришилади. Буларнинг бари астойдил меҳнат орқали қўлга кирилади.

Джазил Юлдашев 1961 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. Ихтисоси — инженер-механик. ЎЗМТДП аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1978 йилда Самарқанд вилояти Иштихон тумани туман кишлоқ хўжалиги техникаси чилангари вазифасидан бошлаган. 1988-1991 йилларда Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг умумий техника факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида фаолият юритди.

2013 йилдан ҳозирги кунга қадар ушбу факультетнинг декани лавозимида ишлаб келмоқда. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

зодлик диссертациясини химоя қилди.

1998-2003 йилларда Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг умумтехника факультетининг умумтехника факультетининг хавфсизлиги кафедрасида ассистент, 2003-2006 йилларда шу кафедрада катта ўқитувчи, 2006-2013 йилларда кишлоқ хўжалиги механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида фаолият юритди.

2013 йилдан ҳозирги кунга қадар ушбу факультетнинг декани лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**Джазил Сайдуллаевич Юлдашев 62-Ургут сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ишнинг кўзини билади



**Нажмиддин  
Баҳриевич  
Сулаймонов**

1975 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. 2004 йилда Самарқанд давлат

университетини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тугатган. ЎЗМТДП аъзоси.

1995 йил Пайариқ тумани Янгиер фермер хўжалиги бош ҳисобчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. Нажмиддин Сулаймонов 1996 йилдан 2005 йилга қадар Халқ банкнинг Пайариқ филиалида катта назоратчи, катта кассир, шахобча назоратчиси, бош ҳисобчи, банкнинг Челақ ва Пайариқ филиаллари бошқарувчиси бўлиб ишлади. Кейинроқ Самарқанд вилоят филиали бошлиғи ўринбосари, 2010-2014 йилларда Пайариқ тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида самарали фаолият олиб борди. Жорий йилнинг март ойидан ҳозирги кунга қадар Самарқанд вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасини бошқариб келмоқда.

Нажмиддин Сулаймонов фаолияти давомида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа, ўрта ва узок муддатли прогнозлари, стратегияси ҳамда комплекс ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини комплекс равишда изчил таҳлил қилган ҳолда иқтисодиётдаги маъжуд айрим номунтаосибликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

**Нажмиддин Баҳриевич Сулаймонов 63-Қоратепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Малакали статистика ходими

У меҳнат фаолиятини 2003 йилда Сирдарё туманидаги "Султонкул ўғиллари" фермер хўжалигининг иш юритувчиси сифатида бошлаган. 2006-2009 йилларда Сирдарё вилояти Статистика бошқармасида 1-тоифали мутахассис, бош мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлади. 2009-2010 йилларда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ва 2010 йилда Сирдарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. 2010 йилдан ҳозирги пайтгача Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У бу лавозимда самарали меҳнат қилиб, Давлат статистика ишлари Дастурида белгиланган статистика ишларининг бажарилиши, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида барча ҳисобот интизомлари таъминланишига эришиб келмоқда. Малакали статистика ходими сифатида статисти-

ка ишларининг бажарилишини таъминлашда доимий равишда мониторинг олиб бориш ва маълумотларни таҳлил этишда катта амалий тажрибага эга. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан статистика бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда ишлаб, берилган ҳар қандай топшириқни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Улуғбек Элмуратов бир неча бор Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилояти Кенгашининг фахрий ёрлиқлари тақдирланган.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.  
**Улуғбек Султонкулович Элмуратов 64-Гулстон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Наврўзжон  
Тўхтамишович  
Маҳкамов**

1981 йил Самарқанд вилоятида туғилган. Ихтисоси — менежмент. ЎЗМТДП аъзоси.

Наврўзжон Маҳкамов 2003 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти халқаро бўлими таржимони, 2006-2008 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти менежмент кафедраси ассистенти, тадқиқотчиси, 2001-2012 йиллар "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят бўлими Кенгашида етакчи му-

## Ташаббускор устоз

лат университетининг Маънавий ва маърифат ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У география фанлари бўйича янги таълим стандартларига мувофиқ фан дастурлари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиққан. Унинг замонавий ахборот ва педагогик технологияларни мукамал билиши ўқув жараёнининг сифатини янада оширишда муйайн ютуқларга эришишга ёрдам бермоқда.

Субхон Аббасовнинг университетда ва вилоятда ёшларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан комил инсон сифатида тарбиялашдаги ўрни катта. Унинг раҳбарлигида университетдаги маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, мамлакат раҳбариятининг мазкур йўналишдаги қонун ҳужжатлари, топшириқлари тизими ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, у Юрт-

бошимизнинг маънавий етук инсонни тарбиялашга оид асарлари, маърузаларидан келиб чиқадиган гоғлар, вазифаларни аҳоли, ёшлар орасида янгича ёндашишлар, янги педагогик ва ахборот технологияларини қўлланган ҳолда чуқур сингдиришда самарали фаолият кўрсатмоқда. Университет жамоасида соғлом ахлоқий муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Субхон Аббасов мамлакатдаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида эришилган ютуқларни аҳоли орасида кенг тўшутириб боришда ҳам фаол иштирок этмоқда.

**Субхон Бурхонovich Аббасов 59-Пайариқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Сифатли ва кафолатли


технолог-дастурчи, 2008-2011 йилларда ушбу корхонанинг бош муҳандиси лавозимида меҳнат қилган. 2011 йилдан ҳозирги кунга қадар "СамАвто" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонанинг бош технологи лавозимида ишлаб келмоқда.

Фазлиддин Ризаев бошчилик қилаётган гуруҳ томонидан 2011 йили "LE 60" русумли автобуслар учун хомашё ва материаллар меъёрлари ҳамда корхона харажатларини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришни аниқ ва қисқа вақтда амалга оширувчи кондукторлар ва шаблонлар учун ишлаб чиқариш мосламалари яратилган. Натижада корхонанинг иш унумдорлиги 8 марта ошган. Шунингдек, у 2012 йилда фрезер дастгоҳларида дастурлаш ишларини амалга киритган. Натижада "LE 60" русумли автобус учун хориждан сотиб олинандиган 13 та эҳтиёт қисмларни заводда тайёрлаш йўлга қўйилди. Унинг бошчилигида автобусларни йиғиш технологияси усқуналар тўплами яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиниши 3 миллион долларни тежаш имконини берди. Ушбу технологик усқуналар ёрда-

мида 6000 тадан ортиқ, нархи 300 млрд. сўмлик замонавий автобуслар ишлаб чиқарилган. Ҳозирги кунда у бошчилигидаги гуруҳ электротўғулари ишлаб чиқариш ва оммалаштириш ҳамда янги технологик ва конструкторлик лойиҳалари масалаларини яратиш учун кам вақт сарфлаш мақсадида виртуал объектлар моделларини яратиб, реал объектларнинг тўлиқ параметрлари асосида лойиҳаларнинг мустақамлигини текшириш лойиҳалари устида иш олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, корхона томонидан хомашё ва материалларнинг тежаб сарфланишига ёрдам беради.

Фазлиддин Ризаев сўнги уч йилда битирув амалиётини ўтган 30 нафар коллеж ўқувчиларига раҳбарлик қилиб, назарий билимларини амалиётда мустақамлашлари ва касбий қўникмалари шаклланишига яқиндан ёрдам берган.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.  
**Фазлиддин Исмоилович Ризаев 60-Самарқанд сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



**Фазлиддин  
Исмоилович  
Ризаев**

1974 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1996 йилда Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг кишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1998 йилда "СамКочАвто" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада муҳандис сифатида бошлаган. 2002-2008 йилларда муҳандис

## Хуқуқшунос-журналист



**Жаҳонгир  
Комилжонович  
Шарофбаев**

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларимизнинг сиёсий маданиятини юксалтириш ҳамда миллий ғояларимизни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда журналистларнинг муносиб ўрни бор. Айтилгандай "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари тахририятининг бош муҳаррири вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаб келаётган Жаҳонгир Шарофбаев ҳам ҳуқуқшунос-журна-

лист сифатида бу борада ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жаҳонгир Шарофбаев 1975 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. 1998 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультети, 2005 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. ЎзМТДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Сирдарё вилояти Бобёв туманидаги Ўқувчилар ижодий марказида услубчи вазифасидан бошлаган. 1993-1996 йилларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бобёв туман бўлими Кенгашида раис ўринбосари лавозимда меҳнат қилган. Сўнгра Бобёв тумани ҳокимлигининг "Истиқбол" газетаси бўлим муҳаррири вазифасида фаолиятини давом эттирган.

1999-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Хуқуқ" газетаси махсус муҳбири, бўлим муҳаррири, 2002-2004 йилларда Бош прокуратуранинг "Қонун ҳимоясида" бирлашган тахририяти масъул котиби, сўнгра "Хуқуқ" газетаси муҳаррири — бир-

лашган тахририят бош муҳаррири ўринбосари ва "Хуқуқ" газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи каби масъулиятли вазифаларда самарали ишлади.

2006 йилдан буён Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерациясининг "Ишонч" газетасида ишлаб келмоқда. 2014 йилдан "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари тахририяти бош муҳаррири вазифасини бажарувчи лавозимда фаолият юритмоқда.

Жаҳонгир Шарофбаев мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, кадрларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни, тарихий меросимизни асраб-авайлаш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билади.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Жаҳонгир Комилжонович Шарофбаев 65-Сайхун сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Иқтисод фани ривожига ҳиссаси бор



**Ашурали  
Авазович  
Авлияқулов**

Юртимиз фаровонлигида иқтисоднинг ўрнини муҳим, деб ҳисоблайдиган Ашурали Авлияқулов 1970 йил Сурхондарё вилояти Музробот туманида туғилган. Маълумоти олий, иқтисод фанлари номзоди. 1997 йил

Термиз давлат университетини инженер-иқтисодчи мутахассислиги бўйича тугатган. ЎзМТДП аъзоси.

1993-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Термиз бўлимида мутахассис, бош мутахассис, бўлим бошлиғи вазифаларида иш юритди. 2002-2004 йиллар давомида ушбу банкнинг Қумқўрғон филиали бошқарувчиси лавозимда ишлаган.

У илм-фанга ўзини бахшида этган инсон. Республикаимизда ўтказилаётган турли илмий семинар ва конференцияларнинг фаол иштирокчисидир.

2002 йил Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институтининг кундузги бўлим аспирантурасини битириб, институт иختисослашган илмий кенгашида "Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш механизмини такомиллаштириш" мавзусида олиган.

зодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ашурали Авлияқулов 2004 йилдан Термиз давлат университети кафедра ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, кафедра мудири ва факультет декани вазифаларида фаолият юрсатмоқда.

Ҳозир докторант тадқиқотчи сифатида илмий изланишлар олиб бормоқда. Шу кунга қадар 53 та илмий ишлари чоп этилган. Хусусан, иккита услубий қўлланма (ҳаммуаллифликда), кўплаб рисола ва мақолалар, битта ўқув қўлланма (ҳаммуаллифликда) ҳамда йигирмадан ортиқ илмий тезислар шулар жумласидан.

У тўғрисида ўз жамоаси ҳурмати қозонган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

**Ашурали Авазович Авлияқулов 69-Ангор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Аёл дунёни тебратар



**Сайёра  
Абдурахмановна  
Удаева**

1962 йилда Сирдарё вилояти Бобёв туманида туғилган. 2001 йилда Сирдарё давлат педагогика институти тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Сирдарё вилояти Бобёв тумани

18-умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 1985-1999 йилларда Сирдарё вилояти Бобёв тумани 23-умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1999-2002 йилларда Гулистон давлат университетидида "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" маркази бошлиғи, 2002-2004 йилларда Сирдарё вилояти Бобёв тумани 23-умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси вазифасида ишлаган.

2004-2005 йилларда Гулистон шаҳар "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимда меҳнат қилган. 2006 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Сирдарё вилоят бўлими бошқаруви бош мутахассиси лавозимда

фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Сирдарё вилоят бўлими томонидан амалга оширилган ишларда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Сайёра Удаева мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига қаратилган турли ғоя ва қарашларни илгари суриш ва энг муҳими, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келаётир.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

**Сайёра Абдурахмановна Удаева 66-Янгиер сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Соғлом рақобат — давр талаби



**Шерзод  
Дўстмуродович  
Қўлматов**

1981 йилда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида туғилган. 2001 йилда Гулистон давлат университети тамомлаган. Иқтисоси — иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Шерзод Қўлматов меҳнат фаолиятини 2001 йилда Сирдарё вилояти Оқолтин тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси лавози-

мидан бошлаган. 2002-2003 йилларда вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасида етакчи иқтисодчи, 2003-2005 йилларда бошқарманинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош тафтишчиси, етакчи тафтишчиси, 2005-2007 йилларда ташқи бошқарув режимидаги корхоналар фаолиятини назорат қилиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги, уларни қайта ташкил этиш бўлими бошлиғи, 2007-2008 йилларда рақобат муҳитини таҳлил қилиш, табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш бўлими бошлиғи, 2008-2014 йилларда бошқарма бошлиғининг ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2014 йилдан ҳозирги кунга қадар Сирдарё вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи лавозимда фаолият олиб бормоқда.

Шерзод Қўлматов ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган

қарорларга асосан, тадбиркорлик субъектларига яратиб берилган имтиёзлар қаторида фойдаланилмай турган давлат мулкларига инвестиция киритиш ва давлат мулкларини ижара асосида тадбиркорлик субъектларига ижарага беришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқарилган молиявий соғломлаштириш Дастурлари ижросини таъминлашда вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари, идора ва банк муассасалари раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаб, вилоят раҳбар кадрлари орасида ўз ўрни ва мавқеини топа олди.

У давр билан ҳамнафас, билим доираси кенг, қўл остидаги ишчи-ходимларга талабчан ва гамхўр, тўғрисида ва камтарин раҳбар.

Оилали, уч нафар фарзанди бор. **Шерзод Дўстмуродович Қўлматов 67-Оқолтин сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Замин заргари



**Эшмат  
Тўраевич  
Менглиев**

Она замин инсонга жуда кўп туҳфаларни тақдим этади. Унинг бағрида ҳаётимиз учун зарур минераллар, тузлар, маъданлар, зилол сувлар мўжассам. Бу бебаҳо бойликларни асраб-авайлаб олиш, кундалик турмушимизда фойдаланиш учун тайёрлашда кон муҳандислари, геологлар-

нинг ҳиссаси катта. Ўзининг деярли 30 йиллик фаолиятини шу соҳага бағишлаб келаётган Эшмат Менглиев ҳам ана шундай фидойий инсонлардан.

У 1960 йил Сурхондарё вилоятида туғилган. 1985 йил Тошкент политехника институти геология қидирув факультетини тамомлаган. Иқтисоси — кон муҳандиси гидрогеологи. ЎзМТДП аъзоси.

Эшмат Менглиев ўз иш фаолиятини 1985 йилда "Хўжайкон-туз" қазийш бошқармасида кон устаси сифатида бошлаган. Кейинчалик мазкур коннинг бош геологи, қидирув ишлари бўйича ўринбосари ҳамда ҳозирги кунда "Хўжайкон-туз" масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳандиси лавозимда фаолият юрсатиб келмоқда.

Эшмат Менглиев корхона томонидан белгиланган режани бажариш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ёқилги мойлаш материаллари ва

электр энергияни тежаш ишларида фаол қатнашади. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни асраб-авайлаш, кончилик соҳасини ривожлантириш, бу борада илғор технологияларни қўллаш мавзуларида сўхбатлар ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни юксалишига, тинчлик ва барқарорликни сақлашга, Ватанимиз обрўси, шон-шувратини юксалтириш йўлидаги хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

У тўғрисида, самимий, мулоҳазали, қатъиятли, ташаббускор ходим сифатида жамоа ҳурмати қозонган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. **Эшмат Тўраевич Менглиев 68-Шеробод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Аҳоли саломатлиги йўлида



**Абдулҳаким  
Тўлақонович  
Эшбоев**

1967 йил Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. 1992

йил Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)ни тамомлаган. Мутахассислиги бўйича анестезиолог-реаниматолог шифокор. ЎзМТДП аъзоси.

1999 йилдан шу кунга қадар Республика шойинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали анестезиолог-реаниматолог шифокори, бўлим бошлиғи, филиал директори вазифаларида фаолият юрсатиб келмоқда.

Тиббиёт институти тугатган, Термиз шаҳар марказий шифонасида шифокорлик амалиётини бошлаган. Утган давр мобайнида Абдулҳаким Эшбоев меҳнатсеварлиги, тиришқоқ ва талабчанлиги билан жамоа орасида катта эътибор қозонди. Бевоқиф ва раҳбарлик қилаётган Рес-

публика шойинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали базасида талайгина янгиликлар қилинди.

— Илмий марказ ходимлари айни пайтда туманларга чиқиб, аҳолига амалий-услубий, турли тиббий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда, дейди Абдулҳаким Эшбоев. — Айниқса, туғиш ёшидаги аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлиқни қарор топтириш борасида амалий савий-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Оилали, беш нафар фарзанди бор.

**Абдулҳаким Тўлақонович Эшбоев 70-Термиз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ер билан тиллашган инсон



**Шаҳриддин  
Абдимуротович  
Сувонов**

Сув — ҳаёт манбаи эканини дилдан ҳис қилиб, сув хўжалиги соҳасида фаолият юритишни мақсад қилган Шаҳриддин Сувонов кўплаб муваффақиятларни қўлга киритди.

У 1976 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. 1999 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти бакалавр ва 2001 йилда Тошкент давлат техника университетининг магистратура босқичларини тамомлаган.

1995-2001 йилларда Тошкент ир-

ригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ва ТошДТУ талабаси ва магистранти, 2001-2004 йилларда "Ўзагрошсервис" уюшмасининг машина-трактор паркларини ривожлантириш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, норматив ва тариф базасини шакллантириш бўлимида мутахассис, етакчи ва бош мутахассис, 2004-2006 йилларда "Ўзагрошсервис" уюшмасида бош мутахассиси, 2006-2009 йилларда машина-трактор паркларини ривожлантириш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, норматив ва тариф базасини шакллантириш бўлим бошлиғи ўринбосари, 2009-2010 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ерларни мелiorациялаш бошқармасининг мелiorация тармоқларини ишлатиш ва такомиллаштириш сектори бошлиғи, 2010 йилдан Сув хўжалигини ривожлантириш ва сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий этиш бошқармасининг бошлиғи лавозимда ишлаб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида юқори малакали мутахассис сифатида танилди. У вазирлиқнинг саннат корхоналарини техник-технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиришда муваффақиятларни қўлга киритди.

Малакали мутахассис сифатида танилди. У вазирлиқнинг саннат корхоналарини техник-технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайти-

риш ҳамда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш дастурини бажариш, санатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот танларини пайсатириш, мулкчилик муносабатларини тартибга солиш, янги қўшимча иш ўринларини яратишда бевосита қатнашган ва ўзининг самарали тақлифларини ишлаб чиқаришга жорий этган.

Шаҳриддин Сувонов вазирлиқнинг саннат корхоналарини техник-технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда халқро санат ярмаркаларида саннат корхоналарини фаол иштирокини таъминлагани учун фахрий ёрликлар, дипломлар билан мукофотланган. 2011 йил "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор. **Шаҳриддин Абдимуротович Сувонов 71-Жарқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар камоли — юрт иқболи



**Рустам  
Ибрагимович  
Норлиев**

Термиз давлат университетидида билимли, қобилиятли йигит-қизларнинг илмий тадқиқот ва кашфиётларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, университетнинг тарих факультети декани Рустам Норлиев ҳам ёшларнинг бу борадаги изланишларини қўллаб-қувватлашга интилади. Унинг ташаббускорлигида кўплаб талабаларнинг миллий маънавиятимизга ёт бўлган зарарли

ғоялар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган мақолалари чоп этилиб, жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

Рустам Норлиев 1971 йил Сурхондарё вилоятида туғилган. 1993 йил Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — фалсафа фани ўқитувчиси. ЎзМТДП аъзоси.

Рустам Норлиев 1993 йилда Термиз давлат университетидида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири вазифасини бажарувчи вазифаларида ишлаган.

2011 йил "Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари" мавзусида номзодлик диссертацияни ҳимоя қилди. Ҳозирда фалсафа фанининг ижтимоий фалсафа йўналишида докторлик илмий даражасини олиш учун изланишларини давом эттирмоқда. Матбуотда 30 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

Рустам Норлиев 2007 йилдан буён педагогик фаолият билан бирга, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сурхондарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими, катта илмий ходими (ўриндошлик асосида) сифати-

да, 2011 йилдан эса ўриндошлик асосида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти худудий бўлимида раҳбари вазифасида ишламоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда вилоят миқёсида 70 га яқин тадбирлар ташкил этишга ҳисса қўшди. Шунингдек, Давлат дастурларида белгиланган вазифалар, демократик ислохотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш масалалари бўйича қатор тадқиқотлар ўтказган.

У моҳир педагог, фаол раҳбар, ташкилотчи сифатида кенг жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътиборга ва ҳурматга сазовор бўлди.

Оилали, беш нафар фарзанди бор. **Рустам Ибрагимович Норлиев 72-Қумқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Шолғом — кони фойда

Халқ орасида шолғом қадимдан қатор касалликларга даво сифатида қўлланиб келинади. Шолғомдан халқ табибатида ўпка нафас йўли билан боғлиқ бўлган касалликларни даволашда, ҳарорат хуруж қилганда, юрак безовталанишида фойдаланилган.

Унинг қайнатиб пиширилгани, шунингдек, шарбат қайнатмаси нафас қисий, кўксос хасталигига қарши даво сифатида тавсия этилади. Шолғомнинг қуруқ ёхуд орасига сариёғ билан асал солиб, қўрда ёки қасқонда пиширилгани кўкракни юмшатади. Уй шароитида шолғомдан қуйдагича доривор тайёрлаш мумкин: икки ош қошиқ миқдорда майдаланган шолғом бир стакан (200 грамм) қайноқ сувга солиниб, 15 минут давомида қайнатилади. Юқорида зикр этилган касалликларга қарши даво сифатида чорак стакан ичиб турилади ёки бир стакан қайнатма уйқудан олдин истеъмол қилиниши лозим бўлади. Шолғомнинг қайнатиб пиширилгани эзилган ҳолда подагра хасталиги натижасида озор топган жойларга қўйиш дарда даво бўлади. Қайнатма суви билан оғиз чайилса, томоқ оғриги, шунингдек, тишларнинг лўқиллаб оғришини камайтиради. Тиббиётда аниқланишича, шолғом таркибида мавжуд бўлган глюкоза пиширилиш жараёнида хантал мойига айланади. Хантал мойи эса, ўз навбатида, инсоннинг иштаҳасини очиб, асабларни тинчлантиради.



### БИЛАСИЗМИ?

4 ёшли бола кунига ўртача 430 дан зиёд савол беради.

Илк бошқотирма 1913 йилда кашф этилган.

### ТУРФА ОЛАМ

## Заргарлик санъати музейи

Италиянинг Виченца шаҳрида шу йилнинг 24 декабрь кунини заргарлик санъати намуналарини тарғиб қилувчи музей очилади.



Museo del Gioiello шаҳар марказидаги Палладиана мажмуасидан жой олиши кутилмоқда. Мазкур музей доимий экспозициясига эга бўлиб, Европада ягона ҳисобланади. Музейнинг кўрғазма экспонатлари салкам 500 квадрат метр майдонни эгаллайди. Барча экспонатлар мавзуга доир залларда намойиш қилинади. Заргарлик музейида томошабинлар нафақат қадимги, балки янги ва замонавий қимматбаҳо тақинчоқларни, кино ва мода юлдузларига тегишли заргарлик буюмларини ҳам томоша қилишлари мумкин. Музей бир хилликдан қочиш мақсадида ҳар йили экспонатлар турини янгилаб туради.

## Ўлғизлик генга боғлиқ

Хитойлик бир гуруҳ тадқиқотчилар ўлғизлик учун жавобгар ген турини аниқлашган.



Тажриба доирасида Пекин университети олимлари 600 нафарга яқин талабалар ДНКсини ўрганиб чиқди. Улар томонидан тадқиқот объекти сифатида 5-НТА1 гени танлаб олинган. Мутахассислар хулосасига кўра, айнан шу ген текшириб кўрилганларнинг 20 фоизда аниқланган. Ўз навбатида, олимлар ўшбу гени икки гуруҳга ажратди. Уларнинг таъкидлашича, G гуруҳига кирувчи ген соҳиблари S гуруҳидоғиларга қараганда ўзларини анча ўлғиз ҳис этишади. Сабаби, 5-НТА1 гени ва унинг таркибига кирувчи G гуруҳи бахтиёрлик ва яхши кайфият улаштириш хусусиятига эга серотонин моддасини кам миқдорда ишлаб чиқаради. Шу боис, ана шу гуруҳга кирувчи инсон ўзини ўлғиз ҳис этади.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

"Миллий тикланиш" газетаси жамоаси газета жамоатчи муҳбири Ҳасан Абдуназаровга турмуш ўртоғи **ВАСИЛА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

### Фаолият

## Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш

аҳолини электр энергияси билан бир маромда таъминлаш имконини беради

Мамлакатимиз санъатининг изчил ривожланиши, илгор технологияларнинг ҳаётимизга жадвал кириб келиши натижасида аҳолининг электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжи тобора ортиб бораёпти. Бу эса, ўз навбатида, электр қуввати ишлаб чиқарувчи ҳамда уни аҳолига етказиб берувчи корхоналар зиммасига катта масъулият юклайди.



Шу боис мамлакатимиз энергетика тизимида илгор ва тежамкор технологиялардан фойдаланиш, мавжуд қувватларни босқичма-босқич модернизация қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамиятида 21 316 км 0,4-110кВ ҳаво тармоқлари, 1214 км 0,4-10 кВ кабел тармоқлари, 5436 та трансформатор пунктлари, 177 та 35-110 кВ нимстанциялар мавжуд бўлиб, ўшбу электр ускуналар оқилона истеъмолчиларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжи таъминланмоқда. Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш дастури тўғрисидаги" қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Жумладан, жорий йилда Тошкент вилоятининг 14 та туманидаги 29 та мавзуда қурилган 1050 та уй-жойларни ташқи электр энергияси билан таъминлаш учун жами 2 миллиард 350 миллион сўм ажратилган. Ушбу маблағ 19,824 километрлик очик майдонда электр энергияси симларини тортиш, 35 та юқори қувватли янги трансформатор ўрнатилган сарфланди. Туманларда қурилган намунавий уйларга замонавий, табиий ва технология тусидаги факуллода вази-ятлардан ҳимояланган "СИП" русумли симлар тортилди. Албатта, ишлаб чиқаришга сифатли ва тежамкор технологияларни жорий этиш келгуси-

даги муваффақият гарови ҳисобланади. Биз ана шу қоидага амал қилган ҳолда, жамият тасарруфидоғи барча кичик станцияларни мукаммал кўриқдан ўтказиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга эришдик. Шу билан бирга Чирчиқ шаҳри, Қўйибў, Қўйибў-Чирчиқ ва Ўрта-Чирчиқ туман электр таъминоти корхоналарининг биноларини реконструкция қилиш ишлари белгиланган тартибда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда паст қувватли 0,4-6-10-35 кВ электр тармоқларини янгилаш ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил режадаги жами 897 километр узунликдаги очик майдондаги электр энергияси симлари ва 371 та трансформатор мукаммал таъмирдан чиқарилди. Корхонамиз ишчи-хизматчилари иқтисодиёт тармоқларининг барча жабҳалари ва аҳолини электр энергияси билан бир маромда таъминлаш йўлида бор куч-ғайратини сарфламоқда. Аҳоли ва истеъмолчилар томонидан РАУНЕТ тизими орқали электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш жорий этилди. Электр энергияси тўловларини янада такомиллаштириш ва ҳар бир истеъмолчининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини жойида назорат қилиш учун замонавий АСКУЭ тизимига ўтиш бўйича режа-маблағ ишлаб чиқилган. Бугунги кунда юридик шахслар 11 360 та, аҳоли 338 506 та ана шундай замонавий АСКУЭ тизимига уланган имконини берувчи ҳисоблагичларга эга бўлди. Бу, ўз навбатида, истеъмолчи ва электр энергиясини етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда бирмунча қулайликлар яратди. Бундан ташқари, истеъмолчилар фойдаланган электр энергия-

### Кўрғазма

## Изланиш ва самара

Мамлакатимизда моддий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва ундан халқимизни баҳраманд қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Кўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга хизмат фондида сақланаётган археология фанига оид альбом ва китоблар кўрғазмаси очилди.

Археология қадимий моддий маданият ёдгорликларига асосланиб, халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуш ва маданиятини ўрганиш фандир. Археологлар меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, қурол-ярроғлар, зеб-зийнатлар, турар-жой, мудофаа ва ирригация иншоотларининг қолдиқлари ҳамда ўтмиш ҳаётига оид турли топилмалар асосида ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт манзарасини тиклашга ҳаракат қилади. Кутубхонанинг нодир китоблар музейига ўшбу мавзуга оид китобларни танлашда археолог, тарихчи, этнограф шарқшунослар томонидан яратилаётган асарларнинг илмийлигига эътибор қаратилган. Экспозицияга қўйилган китоблар орасидан таниқли археологларнинг Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё ҳудудида олиб борилган археологик экспедицияларнинг изланишлари асосида нашр этилган китоблар, тўплам ҳолида нашр этилган илмий анжуманлар материалларини учратиш мумкин. Шунингдек, 1871-1872 йилларда Санкт-Петербургда нашр қилинган археологик ва этнографик қисмлардан иборат 1200 та фотосурат, харита, акварелда чизилган расмлар ҳамда архитектура чизмалари ҳам ўрин олган "Туркистон альбому"да эса олим ва яқин тарихимизнинг турли даврлари акс этган. Маданий, илмий меросимизга оид бу манбалар олимлар, тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилиши ва баҳолалишида муҳим аҳамият касб этади.

Китоблар намойиши шу йилнинг 30 ноябрьгача давом этади. **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

### Менинг юртим

Фарғона водийси ўзининг қадимий тарихи, сўлим табиати, меҳмондўст аҳолиси ҳамда ўзига хос анъаналари билан ажралиб туради. Водийнинг ҳар бир тумани, қишлоғи, ҳатто, маҳалласи ҳам ўзига хос тарих, тақрорланмас анъаналарга эга. Ана шундай масканлардан бири Фарғона туманида жойлашган Миндон қишлоғидир.

## "Бир донинг минг дон бўлсин"

ёхуд Миндон қишлоғи тарихи хусусида

Миндон қишлоғи қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган бўлиб, водийнинг маъмурий ва маданий бўлагидир. Қишлоқ илгарилари бир қанча номга эга бўлган. Масалан, ўшбу ҳудуд бир муддат Шахримайдон номи билан ҳам аталган. Қишлоққа Миндон номи халқ орасида кенг тарқалган бир тарихий воқеа сабаб берилди. Бу воқеа мумтоз шоир, аллома ва авлиё Хувайдо Чимёнийга бевосита алоқадор.

Ҳикоя қилинишича, қўшни ҳудудда истикомат қилувчи Хувайдо Чимёний маҳаллий аҳоли ўртасида юзага келиб турувчи низолардан чарчайди. Бир муддат яшаш жойини ўзгартиришга қарор қилган авлиё бугунги Миндон қишлоғига кўчди. Авлиё одатда гузардаги ҳовуз бўйида ғазал ёзиш ва мутулаа қилишни ёқтирган, лекин ҳовуздаги бақалар тиним билмай "сайраб" унга халал беради. Шунда авлиё "ё мен ғазал ўқий ё

сен "сайра" дея хитоб қилади. Натижада ҳовуздаги бақалар тинчланади. Ёз фаслида бақаларнинг қурул-лашидан безор бўлган аҳоли бугунги кунда ҳам шу ҳовуз сувидан фойдаланади. Сабаби ҳовуз суви ёки балчиғи тўкилган ҳудудда бақалар ҳеч қачон "сайрамайди". Хувайдо Чимёний Миндон халқининг меҳнатқилигини кўриб, уларнинг турмуш шароитини бироз бўлсада энгиллаштиришга ҳаракат қилади. Ўз қишлоғига қайтиш арафасида авлиё аҳолининг заҳматли меҳнати зое кетмаслигини талаб, "бир донинг минг дон бўлсин" дея дуо қилади. Миндон атамаси шу зайл вужудга келган.

Бугунги кунда Миндон буткул замонавий қиёфа акс этган, энг гўзал ҳудудларимиздан бирига айланган.

**Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ, ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи ўқитувчиси**

### Тадбир

## Ойликда фаол қатнашайлик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Бухоро вилоятида ҳам ёнғин хавфсизлиги ойлиги тадбирлари изчиллик билан ўтказилмоқда. Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишчи-ҳодимлар ўртасида ойлик тарғиботга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Корхона ҳодимлари яшайётган турар-жойлар мавжуд энергоресурслар билан тўлиқ таъминланган. Бирок, об-ҳавонинг совиши ва иситиш мавсумининг бошланиши билан ёнғин чиқилишининг хавфи ортади. Корхона ва унинг цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёнувчанлиги боис, бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлардан ёнғин

хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишни талаб қилади.

Тадбирда ҳудудда ва барча цехларда олиб бориладиган пайвандлаш ва оловли ишлар ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан келишилган ҳолда олиб борилади, барча цехлар доимий равишда қуруқ хашак, ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда тўкилган нефть маҳсулотларидан тазаланиши шартлиги таъкидланди. Қолаверса, завод ҳудудида ва хизмат хоналарида тамаки маҳсулотлари чекиш, очик оловдан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Цехларда эса факуллодада кўтқариш йўлақлари доимо тоза ва очик ҳолда бўлмоғи, кийим-кечақларни қуриштириш мақсадида нефть қурувлари ва агрегатлардан фойдаланмаслик, ишлаб чиқариш, ёрдамчи ҳамда хизмат хоналарининг пол қисмини ёнғин чиқариш хавфи бўлган суюқликлар билан ювиш таъқиқланади.

Дарҳақиқат, ана шундай масъулиятли бир даврда барчамиздан зийраклик ва ҳушёрлик талаб этилади. Халқимизда ўт балосидан ўзи асрасин, деган нақл бежиз айтилмаган. Мабоодо, ёнғин

ҳодисаси содир бўлса, дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизматининг 3-01 ва 7-01 телефон рақамларига қўнғироқ қилиш лозим. Ёки корхона цехларида мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситалари ёрдамида ёнғинни ўчириш даркор. Хонадонларда газ плиталари ҳамда асбоблардан фойдаланишда резина шлангларни ишлатмаган маъқул. Ҳар бир фуқаро уйдан чиқаётган газ ва электр ускуналарини ўчиришни унутмаслиги лозим. Ёш болаларни уйда ёлғиз қолдириш, уларнинг гуғурт ўйнашига йўл қўйиш ҳам ёнғин чиқариш хавфи ортишига олиб келиши мумкин.

Таъкидланганидек, мазкур тадбирдан мақсад аҳоли турар-жойлари, ижтимоий-иқтисодий объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қaratилган чора-тадбирларни қучайтириш, халқимизнинг бу борадаги масъулияти ва ҳушёрлигини янада оширишдан иборатдир.

**Соҳиб ОЧИЛОВ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи электр тажриба лабораторияси бошлиғи**